Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН • № 105 (9091). • 1987 йил 4 июнь • пайшанба • Баҳоси 3 тийин.

УЧИШ ПРОГРАММАГА МУВОФИҚ ДАВОМ ЭТМОҚДА

УЧИШНИ БОШҚАРИШ МАРКАЗИ, 2 июнь. (ТАСС). Одам бошқараётган «Мир» комплекси ичида навбатдаги иш куни Москва вақти билан соат 9 да бошланди ва ярим тунгача давом этади.

Эрталаб медицина назорати планига кўра, Юрий Романенко билан Александр Лавейкин ўз вазифаларини аниқладилар, вазнсизлик ҳолатида унчалик зўриқмаётган мушакларнинг ҳолатини кўздан кечирдилар.

Бугун экипаж куч гироскопик стабилизаторларидан ва юксак аниқликдаги астроориентатордан фойдаланиб, орбитал комплекс ҳаракатини бошқариш усулларини пишиқтиришни давом эттиради. Кун давомида космонавтлар ҳаёт фаолиятини таъминлаш системасининг асбоб-ускуналари билан профилактика ишларини ҳам бажарадилар.

Биологик тадқиқотлар программаси доирасида «Фитон» ва «Рост» қурилмаларидаги экспериментлар бошланди. Бу экспериментлар олий ўсимликларнинг ва турли биологик объектларнинг космик учиш шароитидаги ривожланишини чуқурроқ ўрганиш мақсадида ўтказилмоқда.

Экипажнинг маълумотларига ва телеметрия ахборотларига кўра ер атрофи орбитасидаги ишлар белгиланган программага мувофиқ ўтмоқда.

САЙЛОВЛАРГА ТАЙЁРГАРЛИКНИ ҚИЗИТАЙЛИК

МАҲАЛЛИЙ Советлар депутатлигига номзодлар кўрсатишга бағишланган, яқингинада бўлиб ўтган кўпгина йиғилишлар ҳаммамизнинг эсимизда. Бу йиғилишларда бир эмас, бир неча кишининг номи номзод сифатида тилга олинди. Номзодлар ўз коллективларига, ўз ҳамкасбларига мурожаат қилар эканлар, ишончлари учун миннатдорчилик билдириб, «Агар мен сайлансам...» деган сўзларни ишлатдилар. Номзодларнинг сайловчилар билан учрашувларида ҳам худди шундай бўлади. Номзодлар «Агар мен сайлансам...» дея ўз позицияларини баён этадилар. Келажакда халқ хизматини ҳалол адо этажаклигини изҳор қиладилар. Кўп мандатли сайлов округларида эса «кураш» бундан ҳам қизғин бўлади. Сайлов куни ҳар бир номзод дилида «Агар мен сайлансам...» дея яхши ниятлар қилади.

...Биз аввалги сайловларда, рости гап, бундай сўзларни эшитмаганмиз. Бундай янги «эпкин»лар совет сайлов системасининг тобора такомиллашаётганлигидан, халқчил бўлиб бораётганлигидан далолат бермоқда. КПСС Марказий Комитетининг шу йил январь Пленуми ҳужжатларида таъкидланганидек, «Сиёсий жиҳатдан олганда гап сайлов системаси демократизмини чуқурлаштириш тўғрисида, сайловолди ва сайлов кампаниялари ҳамма босқичларида сайловчиларнинг янада самарали ва реал қатнашишлари ҳақида бораётир.

Яна бир ўзгариш. Бу йил қатор регионлар каби областимиздаги Коммунистик районида сайловлар янгича тартибда ўтади. Бу деганимиз сайловлар кўп мандатли округларда бўлади. Районда 605 та бирмандатли округлар ўрнига 112 та кўпмандатли округлар тузилди. Халқ депутатлари район Советига 20 та кўпмандатли округлар бўйича 90 та депутат мандати ўрнига 113 нафар номзод овозга қўйилади. Қишлоқ Советларига эса 82 округ бўйича 445 мандат ўрнига 565 номзод умид боғламоқда. Демак, энг кўп овоз олган номзодлар ютиб чиққан ҳисобланадилар. Қолганлар эса резерв депутатлар сифатида рўйхатга олинадилар.

Рақамларга эътибор бердингизми? Кимдир депутат сифатида сайланиши мумкин. Кимдир... Шунинг учун ҳозирги кунларда сайлов округлари ва участкаларида 21 июнда бўлиб ўтадиган маҳаллий Советлар ва халқ судьялари сайловларига тайёргарлик янги босқичга кирмоқда. Бу йилги сайловларнинг КПСС XXVII съезди қарорлари ҳаётга оғишмай татбиқ этилаётган, ўн иккинчи беш йиллик режалари амалга оширилаётган, Улуғ Октябрь социалистик революциясининг шонли 70 йиллигини муносиб нишонлаш учун пухта ҳозирлик кўрилаётган, жадаллаштириш ва қайта қуриш суръатлари очиқ-ойдин намоён бўлаётган бир пайтда ўтаётганлиги ҳам сайловларга тайёргарлик мазмунини ғоят бойитмоқда, катта-катта вазифалар, улкан ишлар кўламини белгилаб бермоқда.

— Жамиятимиз ҳаётида сайловдан-сайловгача бўлган ўзгаришлар, социал-иқтисодий соҳаларда амалга оширилган ижобий ишлар, йўл қўйилган камчиликлар, халқ хўжалигимиз тараққиётидаги янгича иш услублари, Советларнинг ўз ваколатларига бўлган масъулияти, халқ депутатлари ва халқ судьяларининг ўз бурчларига қандай садоқат кўрсатаётганлиги сингари масалалар шу кунларда кўпроқ тилга олинмоқда,— дейди Чилонзор районидаги 8-сайлов участкаси агитпункти мудири В. Тельцов.— Участкамиздаги 41 агитатор сайловчилар орасида «Тинчлик учун овоз берамиз», «Совет сайлов системаси жаҳонда энг демократик системадир», «Депутат — халқ хизматкори» мавзуларида суҳбатлар ўтказдилар. 10 кишидан иборат лекторлар группаси эса маҳалла клубларида «КПСС XXVII съезди халқ моддий фаровонлигини ошириш тўғрисида», «Қайта қуриш — давр талаби», «СССРнинг тинчлик ташаббуслари» темаларида лекциялар ўқишди.

Ҳа, бундай намунали сайлов участкалари, агитпунктлар, агитколлективлар областимизда ўнлаб, юзлаб топилади. Бироқ ҳамма ерда ҳам сайловларга тайёргарлик ишлари кўнгилдагидек олиб борилмоқда, деб бўлмайди. Кўпгина жойларда сайлов кампаниясини идеологик жиҳатдан самарали таъминлаш масалаларига ҳамон етарлича эътибор берилмаётир. Жумладан, қатор агитпунктларда одамлар билан якка тартибда ишлаш услубидан фойдаланмаётирлар. Меҳнат коллективлари муаммолари билан қизиқиш, кварталлар, маҳаллалар аҳли билан бевосита мулоқотда бўлиш сингари иш формалари ҳам кенг авж олмаётир. Ўз-ўзини бошқарувчи жамоат органлари у ерларга тажрибали, обрўли партия, совет, комсомол, хўжалик ходимлари, депутатлар, уруш ва меҳнат ветеранлари келгандагина яхши фаолият кўрсатажаклигини унутмайлик. Аксарият ҳолларда эса бизда баайни ана шундай қилинмаётир.

Масалан, Калинин районидаги «Москва» колхозида жойлашган 17-сайлов участкасининг ишлари ўлда-жўлда. Участканинг жиҳозлаш ишлари мутлақо талабга жавоб бермайди. Бу ерда ташвиқот-тарғибот ишлари ҳам исталган даражада эмас. Коммунистик районидаги 2-, 5-, 20-, 21-, 32-сайлов участкалари ҳақида ҳам ана шундай гапларни айтиш мумкин. Бу ерларда сайлов комиссиялари иш планлари тўлиқ бажарилмайди, комиссия аъзолари ўз вазифаларини аниқ билмайдилар.

Сайлов участкаларида биринчи марта сайловда қатнашадиган ёшлар билан ишлаш ҳам алоҳида қунт ва уқув талаб қилади. Шу боисдан савол-жавоб кечалари ташкил этиш, «Думалоқ стол»лар атрофида йиғилиш, ветеранлар, олимлар, халқ хўжалиги мутахассислари, ишлаб чиқариш новаторлари, маданият ва санъат арбоблари билан учрашувлар катта наф келтиради. Бироқ ҳозирча бундай тадбирлар сайлов участкаларида онда-сондагина ўтказилмоқда.

Шу кунларда агитпунктларда белгиланган рўйхат бўйича доимий навбатчи агитаторлар бўлмоғи шарт. Навбатчи агитаторлар тадбирлар планининг бажарилишини назорат қилиши, сайловчиларнинг саволларига тўлиқ жавоблар қайтариши, ташриф буюрувчиларнинг ҳисоб-китобини олиб бориши, уларнинг илтимослари, шикоятлари ва таклифларини қайд этиши ҳамда бундай илтимос, шикоят ва таклифларни дарҳол райком, шаҳар ижроия комитетларидаги масъул шахслар эътиборига етказиши, уларнинг бажарилишини диққат марказида тутиши, бажо келтирилган илтимослардан дарҳол мурожаат қилганларни огоҳ этиши лозим. Шунингдек навбатчи сиёсий-ижтимоий адабиётларнинг, газета ва журналларнинг янгиланиб туришини контроль қилиши, лозим бўлса сайловчилар учун консультациялар уюштириши керак.

— Тайёргарлик пайтида майда-чуйда нарса деган гап бўлмайди,—дейди Янгийўл районидаги 6-сайлов участкаси агитпункти мудири Л. Ғуломова,— ҳозир ҳамма нарса муҳим: ҳар бир сўз, ҳар бир мулоқот, ҳар бир ютуқ, ҳар бир эътироз... Пропагандист ва агитатор маҳорати умумий ишимиз муваффақияти гаровидир.

Ҳақ гап. Мамлакатимиз, давлатимиз, халқимиз ҳаётида муҳим воқеа — маҳаллий Советларга ва халқ судьяларига бўладиган сайловларга ҳамма ерда пухта ҳозирлик кўрайлик.

ПИЛЛА—ДАВЛАТГА







● СУРАТЛАРДА: Бекобод районидаги Навоий номли колхоз аъзоси, уруш ва меҳнат ветерани, оилавий пиллачилик звеноси бошлиғи Эгамберди Дўсбеков; район бош пилла қуритиш идорасида мажбурият ҳисобига ҳосил қабул қилинмоқда; Э. Дўсбеков оилавий звеносининг аъзоси — қизи Роҳатой (чапда).

А. Зуфаров фотолари.

МЕҲНАТГА ЯРАША НАТИЖА

РЕПОРТАЖ

БЕКОБОД районн меҳнаткашлари Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 70 йиллиги нишонланадиган йилда зиммаларига олган пилла топшириш бўйича планларини бажардилар.

Улар 3700 қути қурт уруғини колхоз ва совхозлардаги 2530 хонадонга тақсимлаб берган эдилар. Баҳорнинг инжиқ келганлигига қарамай пиллакорлар пландаги 200 тонна ўрнига давлатга 206 тонна пилла сотишга муваффақ бўлишди.

Сирасини айтганда, район меҳнаткашлари бу йилги мавсумга пухта тайёргарлик кўриш ҳолда киришдилар. Апрель ойида бўлиб ўтган район пиллакорлар қурултойида кўпгина тадбирлар, жумладан, пилла етиштиришда яхши натижаларга эришиш учун нималарга кўпроқ эътибор берилиши лозимлиги тажрибакорлар иштирокида обдон маслаҳатлашиб олинди.

— Маслаҳатли иш бузилмас,— деганларидек мана кўриб турибсизлар, натижаларимиз чакки бўлмади,— дейди қувонч билан район пилла қуритиш бош идораси директори Баҳоб ака Султонов.— Айниқса агротехника қоидалари асосида қуртни парваришлаган Ленин номли колхоз миришкорлари 470 қути қурт уруғидан пландаги 26 тонна ўрнига 29 тонна 200 килограмм юқори сортли хом ашё тайёрлашга муваффақ бўлдилар. Пиллахона директори А. Мавлонов номли совхоз пиллакорларининг 17 тонна, Дзержинский номли колхоз аъзоларининг 19 тонна 530 килограмм, «Ленинград» совхози меҳнаткашларининг эса пландаги 4720 килограмм ўрнига 5030 килограмм пилла етиштирганликларини ҳам мамнуният билан қайд этди.

— Ютуқларнинг қўлга киритилишида асосан район бош пиллахонаси мутахассислари жорий этишган янги талон усули жуда қўл келди. Бу метод қоидалари жуда оддийгина,— деди суҳбатимиз чоғида пиллахона бош агрономи Нўъмон Абдураҳмонов.— Биз хўжаликдаги пиллачилик бўйича агротехниклар билан ҳамкорликда қуртхона ва хонадонларда бўлиб, дасталаш олдидан қуртлар ривожини кўздан кечирдик. Сўнгра уларнинг дасталаши мумкин ё йўқлиги ҳақида маслаҳатлар бердик. Рухсат берилган хонадон аъзоларига эса ушбу талондан бериб чиқилди. Натижада хом пилла маҳсулотларининг қабул қилинмаслигига эришдик. Шу билан бирга пиллабоқарнинг аввалгидек қабул пунктига олиб келди. Яхшиямки, хўжаликда 60 гектар майдонда тут плантацияси бор. Шу туфайли улар мавсум давомида деярли барғдан тақчиллик сезишмади.

Хўжаликда кўп йиллардан буён пилла боқиб, мунтазам равишда юқори ҳосил олиб келаётган хонадонлар сони анчагина экан. Ҳамроҳимиз, колхоз правлениеси раиси С. Сайдуллаев билан улар ҳузурида бўлдик. Меҳнат ветерани, пенсионер Эгамберди ота Дўсбеков оилавий звеноси — қизи Роҳатой, келинлари — Зулайҳо ва Ўлмасойлар 30 грамм қурт уруғини боқиб 168 килограмм, Қаҳрамон она Ҳолниса опа Каримова бошлиқ звено аъзолари эса 30 грамм қурт уруғидан 160 килограмм пилла топширишга эришишди. Бу рўйхатни яна давом эттириш мумкин. Колхознинг 4-участкаси аъзоси Олтиной Қодирова анча йилдан буён шу соҳада ишлаб келади. У бошлиқ оилавий звено бу йилги мавсумда 'уч қути қурт уруғидан 328 килограмм, Гулнор Худойбердиева звеноси эса бир ярим қути қурт уруғидан пландаги 75 килограмм ўрнига 166,5 килограмм бўлиқ пилла ҳосили топширди.

Ҳа, колхозда бу муваффақиятларга бир томондан хўжалик тутзаҳарининг кенглиги туфайли эришилган бўлса, иккинчидан эса хўжаликда инсон омилига катта эътибор берилиб келинаётганлигидадир. Биргина мисол. Шу мавсум учун колхоз касаба союз ташкилоти пиллакорларга пландан ортиқча етиштирилган пилла учун рағбатлантириш фондидан маблағ ажратди. Чунончи, бир қути қурт уруғидан олинган ҳосил салмоғи 80 килограммга етказилса, 40 сўм, 75 килограмм учун 30 сўм ва 70 килограммга 20 сўм миқдорида мукофот пули белгиланди.

Меҳнаткашларни моддий ва маънавий рағбатлантиришга қатъий амал қилинганлиги эвазига 450 қути қурт уруғидан пландаги 25 тонна 800 килограмм пилла ўрнига давлатга навоийликлар 28 тонна юқори сифатли саноат хом ашёси топширдилар.

Шунингдек, район пилла хирмонига ўзининг камтарона ҳиссасини қўшиб келаётганлар сафида «Победа» колхози аъзоси Заргул Матмусаева, Ленин номли колхоз аъзоси Пардаҳол Бекназарова, Ойбек номли совхозидан Ачагул Қурбонова, «КПСС XXV съезди» совхозидан Адолат Эгамбердиеваларнинг номини санаб ўтиш мумкин.

Айни кунларда ҳам район бош пиллахонасида иш қизғин давом этяпти. Пиллахона ишчи-хизматчиларининг қўли-қўлига тегмайди. Колхоз ва совхозлардан махсус саватчаларда келтирилаётган пиллани қабул қилиш, тезда сифатини аниқлаш ва уни қуритиш каби юмушлар...

Дарҳақиқат, район пиллакорлари бу йилги мавсумда об-ҳавонинг ноқулай келганлигига қарамай кўнгилдагидек ҳосил етиштирдилар. Бу албатта, уларнинг бамаслаҳат, бир жон, бир тан бўлиб фидокорона қилган меҳнатлари натижасидир. Район пиллакорлари мажбурият ҳисобига яна уч тоннадан зиёд «қумуш тола» етказиб беришни мўлжаллаяпти. Қабул пунктида пиллабоқарларнинг кети кечгача узилмайди. Улар ҳузуридан қайтар чоғимиз, ҳорманг энди бекободлик «қумуш тола» ижодкорлари, дея хайрлашиб қолдик.

Н. ТЕМИРОВ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг махсус мухбири.

Ҳурмат ТАХТАСИ

Пилла етиштириш ва давлатга сотиш планини бажарганликлари учун қуйидагилар область «Ҳурмат тахтаси»га ёзиладилар.

ОҚҚЎРҒОН РАЙОНИ БЎЙИЧА

Вотинцев номли колхоз (раиси О. Ортиқов, партия ташкилотининг секретари А. Тошназаров, касаба союз ташкилотининг раиси М. Баратов, комсомол ташкилотининг секретари Т. Носиров, пиллачилик бўйича агротехник М. Ортиқбоев).

БЕКОБОД РАЙОНИ БЎЙИЧА

Ленин номли колхоз (раиси Х. Бўриев, партия ташкилотининг секретари Ф. Холиқулов, касаба союз ташкилотининг раиси М. Жўраев, комсомол ташкилотининг секретари О. Холманов, пиллачилик бўйича агротехник М. Алиқулова).

«Далварзин» пахтачилик совхози (директори М. Султонқулов, партия ташкилотининг секретари А. Хожимирзаев, касаба союз ташкилотининг раиси М. Болтабоев, комсомол ташкилотининг секретари Р. Умаралиев, пиллачилик бўйича агротехник Н. Кимсанбоев).

«КПСС XXV съезди» совхози (директори У. Исабоев, партия ташкилотининг секретари К. Мавлонов, касаба союз ташкилотининг раиси К. Деҳқонбоев, комсомол ташкилотининг секретари У. Ҳакимов, пиллачилик бўйича агротехник Р. Мирзақулов).

«Ленинград» совхози (директори Х. Қаҳрамонов, партия ташкилотининг секретари С. Ҳакимов, касаба союз ташкилотининг раиси Х. Тобоқобилова, комсомол ташкилотининг секретари Ш. Абдусатторов, пиллачилик бўйича агротехник М. Бегатов).

ИШЛОВ КУЧАЙТИРИЛЯПТИ

ИЎЛДОШ ҚЎЗИБОЕВ бошчилик қилаётган бригада Чиноз районидаги Карл Маркс номли колхознинг юқори ҳосилли коллективларидан саналади. Бригада аъзолари 155 гектар майдонга чигит экиб, текис ва бут майдонлар ҳосил қилиб олишди. Айни кунларда бригада пахтакорларининг фикри-зикри гўза парваришини юксак агротехника қоидалари асосида ўтказишга қаратилган. Ишбилармон механизатор Шерали Назаров ўз агрегатини унумли ишлатиб, ҳар куни 3—5 гектар майдонда сифатли культивация ўтказмоқда. Шунинг билан бирга бригада аъзолари М. Жўраева, Ё. Аликулова, К. Қўшбоқоваларнинг эгат ораларига шарбат суви олдидан гўнг солишмоқда. Бу ишда тажрибали сувчи Ж. Қўшбоқов етакчилик қилаётир. Чунки, Ж. Қўшбоқов кўп йиллардан бери бригада майдонларига сув тараб келади. Пасту-баландини яхши тушунади. Чунончи, коллектив аъзолари ҳар йили иккинчи ишлоддан сўнг шарбат усулида сув қўйиб, яхши натижаларни қўлга киритиб келади.

— Бу йил ҳам шундай қилаяпмиз,— дейди бригада бошлиғи Йўлдош Қўзибоев, чунки, гўнгнинг икки томонлама нафи бор. Биринчидан, намни узоқ сақлайди, иккинчидан, гўза бўғини ҳеч қачон қотмайди. Шунинг учун дала бошига қишдаёқ 100 тоннадан зиёд маҳаллий ўғит тўпланганмиз. Айни пайтда мазкур ўғит чириб, маромига етди.

Ҳа, бригада далаларида иш қизғин. Зиммага олинган мажбурият эса гектар бошига 31,5 центнер ўрнига 35 центнердан ҳосил кўтаришдан иборат.

О. НУРУШЕВ.

Мусобақа кундалиги

ПЕШҚАДАМ ЁШЛАР

«ТАШКЕНТКАБЕЛЬ» заводининг 10-цех коллективи атиги бир процент бракка йўл қўйди. Корхонанинг ҳозирги муваффақиятсизлигида бу ёмон натижа эмас. Бироқ цех комсомоллари бу натижани ҳам яхшилашга қарор қилдилар. Дастлаб территорияни давлат қабулидан қайтган маҳсулотдан бўшатиш керак эди. Биринчи сменадаги ишчилар цехда бир соат қолишди, иккинчи сменадагилар эса ишга бир соат олдин келишиб, бу ерни тартибга солишди.

Цех мусобақасида ёшлар маҳорат кўрсатишмоқда: смена мастери Т. Умархўжаев, пресловчи М. Турдимуродов, металл қирқувчи А. Фоменко ва В. Тузиков, кабель ўровчилар О. Мирзаахмедов, Д. Валиева бошқаларга ўрнак бўлишмоқда. Уларнинг барчаси нормасини 105—110 процент қилиб бажармоқда.

ҚОҒОЗНИНГ ЗАБОНИ ЙЎҚ

Ўзбекистон металлургия заводи комсомол-ёшлар бригадалари ўртасида ўтказилаётган мусобақада пешқадам ҳам, қолоқ ҳам йўқ. Нима, ҳамма тенгми? Бунинг сабаби бошқа: рақобатчилик бўлса бордир-ку, бироқ у кўпроқ қоғозда акс этади. Беш йиллик ёш зарбдорларини шарафлаш анъаналари унутилиб кетган, «Энг яхши ёш ишчи» унвони учун сўнгги маротаба қачон конкурс ўтказилганлигини камдан- кам одам эслайди.

Металлургия заводининг беш минг қишилик ёшлар отряди юбилей йили программаларининг бажарилишига муносиб ҳисса қўшмоқда. Бироқ корхона ташаббус кўрсатмаяпти. Корхона ишларига ҳақиқий манфаатдорлик билан муносабатда бўлинмаяпти. Ёшлар орасидан ихтирочилар, рационализаторларни излаб кўрингчи, топа олармикансиз. Кўпчилик иш вақти тугаши билан тезроқ бу ердан чиқиб кетиш пайида бўлади, ижодий ёндашмай ишламоқдалар. Бундан завод комсомол етакчиларининг камчиликлари яққол кўринib турибди.

Комсомол комитети бутун куч қуввatини аъзолик взносларини тўплашга, турли ҳисобот ва справкалар тузишга йўналтирган. ВЛКСМ XX съезди расмиятчилик ва қоғозбозлик фактларига принципиал баҳо берди-ку, ахир. Цех комсомол ташкилотлари ҳам комитетдан ўрнак олиб харакатсиз ишламоқдалар.

Қоғоз уюмларида, ҳисоботлар саҳифаларида юбилей олди мусобақасининг ғолиблари вужудга келмоқда. Улар Октябрь 70 йиллиги кунида табрикларни қайси юз билан қабул қилиб олишаркин?

(ЎзТАГ мухбири).

АДАБИЁТ КУНЛАРИ, ДЎСТЛИК КУНЛАРИ

Ўзбекистонда кўпмиллатли совет адабиёти кунлари ниҳоясига етди. Навоий номидаги Ўзбекистон ССР академик Катта театрида ана шу дўстлик байрамининг тантаналн ёпилиш маросими бўлди. Қардош адабиётлар вакиллари ҳафта мобайнидаги кўплаб воқеалар ва учрашувларга якун ясадилар.

— Сизнинг серқуёш республикангизда ўтказилган кунлар ёзувчиларга унинг ҳаёти ҳақида, республикангизда қайта қуришнинг бориши тўғрисида, ўзгаришлар айнан партия қарорлари таъкидлаган йўналишда бораётганлиги тўғрисида аниқ тасаввур ҳосил қилишга кўмаклашди, — деди таъкидлади СССР Ёзувчилар союзи правленесининг секретари Ю. И. Суровцев. — Биздан ҳеч нарсани яширмадилар, воқеликни ялпи дабдабабозлик билан бежак кўрсатмадилар. Кўрган ва эшитганларимизнинг ҳаммаси бизда — ана шу учрашувлар қатнашчиларида Ўзбекистон яқин тўмишда кузатилган салбий ҳолатларни шубҳасиз бартараф этишига, революцион давр билан қадам-бақадам бора олажагига қатъий ишонч ҳосил қилади.

Адабиётчилар совет адабиёти кунлари доирасида тарихий-революцион прозани ривожлантириш тажрибалари ва истиқболларига бағишланган конференцияга юксак баҳо бердилар. Конференцияда қайд этиб ўтилганидек, «ҳақиқат етишмаслигини», оғмачилик ва схемабозлик кўринишларини бартараф этиш ҳозирги кунда ёзувчилар учун энг муҳим муаммодир. Чинакам замонавий интернационал тарбиявий вазифалар йўлида тарих сабоқларидан актив фойдаланиш зарур.

Кеча ўзига хос интернационал шеърият фестивали билан ниҳоясига етди. Фестивални Октябрь революцияси бешиги — Ленинград вакили шоир ва актёр В. Рецептер очди.

— Мени Ленинградда тошкентлик ёки Тошкентда ленинградлик, деб аташади, — деди у. Чунки менинг томирларим Ўзбекистон пойтахти билан чамбарчас боғланган: бу ерда мен ўсдим, ундим, илм олдим. Жонажон Тошкентим сиймоси — доим менинг қалбимда. — Сўнгра шоир «Очиқ эшик» деган китобидан болалик ва навқиронлик йиллари ўтган шаҳарга бағишланган шеърларини ўқиб берди.

Бу кечада эстониялик шоира Руутсоо Сирье ва украин шоири Николай Братан, Молдавия Ленин комсомоли мукофотининг лауреати Николае Дабижа, ва франзелик шоира А. Дегенбаева Ўзбекистон ҳақида, мамлакатимиз халқларининг бузилмас дўстлиги тўғрисида шеърлар ўқиб бердилар. Шеърий йўқламада озарбайжонлик Воқиф Самад ўғли, қозоғистонлик Мухтор Шаханов, литвалик Пятрас Кейдошюс, латвиялик Игорь Якайтис, туркманистонлик Худойберди Дурдиев, Ўзбекистон вакилларидан Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов, Гулчеҳра Нуруллаева, кўпгина бошқа адиблар ҳам иштирок этдилар.

Ўзбекистонда совет адабиёти кунлари ёпилиш маросимида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари М. Ҳ. Холмуҳамедов, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари С. У. Султонова ҳозир бўлдилар.

(ЎзТАГ).

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ ЯНВАРЬ (1987 ЙИЛ) ПЛЕНУМИ ҚАРОРЛАРИ—ҲАЁТГА!

РЕЗЕРВГА НОМЗОДЛАР САЙЛАНГАНДА...

Кадрлар снёсатини ўтказишда бошланғич партия ташкилотлари активлиги ва жанговарлигини ошириш, социалистик демократия ва ошкораликни кенгайтириш, кадрларни танлаш ва улар иши устидан контроль қилишга механиктаклар таъсирини ўтказиш учун зарур шарт-шароитлар яратиш вазифалари КПСС Марказий Комитети январь Пленумида аниқ белгилаб берилди. Пленум қабул қилган қарорда қайта қуришнинг муваффақияти кадрларимиз революцион ўзгаришлар зарурлигини нақадар тез ва чуқур тушуниб олишларига, шу йўлда қанчалик қатъият, гайрат ва билимдонлик билан ҳаракат қилишларига боғлиқ эканлиги алоҳида таъкидланди.

Район партия комитети Пленум қарорлари асосида кадрларни танлаш, жойжойига қўйиш ва тарбиялаш юзасидан маълум ишларни олиб бормоқда. Биз кадрлар снёсатини ўтказишда, бу жараённи ҳар жиҳатдан демократлаштиришда, кенг ошкораликни таъминлашда ва кадрларни лавозимларга қўтариш устидан умумий назорат ўрнатишда аниқ системани белгилаб олганмиз. Хўжаликларда бригадир ва мутахассислар резерви учун сайловлар асосан тугалланди. 4 та хўжаликда эса раҳбарлар ва партия ташкилоти секретарлари лавозимлари учун резервлар сайловини ўтказдик.

Бирор қишининг номзодини кадрлар резервига сайлашдан олдин биз меҳнат коллективларининг у киши ҳақидаги фикрини, ташкилотчилик қобилиятини, ишчанлик ва аҳлоқий фазилатларини чуқур ўрганмоқдамиз. Йиғилишлардан 10—15 кун олдин резервга кўрсатилган номзодларнинг рўйхати ва қисқача таржимаи ҳоли ёзилган варақалар аҳоли сергавжум жойларга осиб қўйилмоқда. Қўшимча таклиф ва мулоҳазалар учун яшчиклар ўрнатаяпмиз. Тушган таклиф ва мулоҳазалар йиғилиш олдидан умумлаштирилиб, кенг оммага маълум қилинмоқда.

Номзод билан бирга унга берилган характеристика ҳам танқидий кўз билан муҳокама қилинаяпти. Одатда бундай муҳокамаларда номзоднинг фаолиятидаги ижобий томонлари билан бирга салбий томонлари ҳам кўрсатилаяпти, истаклар билдирилаяпти.

Бир қатор хўжаликлар, саноат корхоналари, қурилиш ташкилотларида раҳбарлар ҳамда партия ташкилотлари секретарлари лавозими учун номзодлар резерви кўрсатиб бўлинди. Раҳбарлар резервига меҳнат коллективлари вакиллари билан бирга район партия комитети номенклатурасидаги кадрлар ҳам кўрсатилмоқда. Ҳамза номли колхоз раҳбарлигига резерв сифатида муҳокама қилиш учун район ижроия комитети раисининг ўринбосари Т. Орифжонов, Ленин номли колхоз раислигига резерв сифатида район халқ контроли комитети раиси Т. Мамадалиев, «Победа» колхози раислигига резерв сифатида район партия комитети ташкилий бўлим инструктори В. П. Ким номзодлари тавсия этилди.

Раҳбарлик лавозими учун коммунистлардан резерв кадрлар танлашда меҳнаткашлар энг аввало уларнинг ишчанлиги ва ташаббускорлигига, ҳалоллиги ва камтарлигига алоҳида эътибор бермоқдалар. «Сергели» совхоз — саноат комплексида бўлиб ўтган сайловда шундай бўлди. Меҳнат коллективи йиғилишида беш нафар номзод муҳокама қилинди ва улардан фақат икки киши кўп овоз билан кадрлар резервига киритилди.

Саноат корхоналари, қурилиш ташкилотларида ҳам резервлар сайлови кўпчиликнинг актив иштирокида ўтаяпти. Ҳозиргача 6 та корхона ва 4 та қурилиш ташкилотида шундай йиғилишлар бўлиб ўтди. Уларнинг ҳар бирида раҳбар ва партия ташкилоти секретари лавозимларига 2 нафардан резерв кадр номзоди сайланди. Келажакда раҳбарлик лавозимларига муносиб деб топилган резерв кадрлардан 31 кишининг номзоди қизғин муҳокама қилинди. Улар орасида район партия комитетининг масъул ходимлари М. М. Дерипаско, Ш. Сулаймонов, А. Тоиров ҳам бор эди. Кўпгина йиғилиш қатнашчиларининг фикри билан М. М. Дерипаско ва А. Тоиров номзодлари резерв кадрлар рўйхатига киритилди. Тажриба-механика заводида бўлиб ўтган йиғилишда уч кишининг номзоди муҳокама қилинди. Улардан А. Избосаров ва Ғ. Мустафоев раҳбарликка резерв сифатида рўйхатга олинди.

Меҳнат коллективлари йиғилиши давомида колхоз ва совхозлар раҳбарлигига 10 киши, саноат корхоналари, қурилиш ва транспорт ташкилотлари раҳбарлигига эса 20 кишининг номзоди резерв сифатида сайланди. 30 кишининг номзоди эса партия ташкилоти секретарлигига резерв қилиб олинди. Колхоз ва совхоз мутахассислари ҳамда бригада бошлиқларининг 674 кишилик резерви яратилди.

Раҳбарлик лавозими учун резервга олинган кишиларнинг уч нафари партиясиз актив, партия ташкилоти секретари лавозимига мўлжалланган резерв кадрларнинг 4 нафари хотин-қизлардир. Маъсул лавозимлар учун кадрларни кўрсатиш ёки сайловда улар учун овоз бериш билан иш тугамайди. Ўсиб келаётган умидли кадрларни пухтароқ тарбиялаш, уларни снёсий жиҳатдан чиниқтириш, омма билан ишлашда маълум кўникма ҳосил қилиш партия ташкилотлари олдида турган галдаги муҳим вазифадир. Район партия комитети ва бошланғич партия ташкилотлари шуни ҳисобга олиб, резервга олинган кадрларни тажрибали раҳбарлар қўлида стажировкадан ўтказишга алоҳида эътибор бермоқдалар.

Бу йил биз стажировкалар доирасини яна ҳам кенгайтиришга ҳаракат қилмоқдамиз. Яқинда район партия комитети ташкилий бўлим мудири Р. Усеиновни Ставрополь ўлкасига, район комсомол комитети ташкилий бўлими мудири Ш. Искандаровни эса Донецк областига кузатиб қўйдик. Кадрларимиз у ерда партия ва комсомол ишларини маълум муддат яна ҳам чуқурроқ ўрганиб малака ва тажриба орттириб, яна ўз коллективларига қайтадилар.

М. ТИЛЛАБОЕВ,
Ғалаба район партия комитетининг секретари.

ҚИШЛОҚҚА ОТАЛИҚ ЁРДАМИ КУЧАЯДИ

Совет кишиларида коммунистик онгни шакллантиришда «Билим» жамияти ва унинг бошланғич ташкилотлари бевосита қатнашишлари керак. КПСС XXVII съездининг тарихий қарорларида бу яна бир бор алоҳида таъкидлаб ўтилди. Институтимиздаги жамиятнинг бошланғич ташкилоти студентлар ўртасида оммавий-сиёсий ва тарбиявий ишларни олиб боришни сезиларли кучайтирди. Айни вақтда биз Оққўрғон районида меҳнаткашлари ўртасида лекция пропагандасини олиб бориш, ғоявий-сиёсий билимларни айниқса, иқтисодий фанлар соҳасида эришилган ютуқларни ташвиқот ва тарғибот қилишда оталиқ ёрдами кўрсатмоқдамиз.

Шуни очиқ эътироф этиш керакки, бундай ёрдам кўрсатиш ҳақидаги ўзаро шартнома тузилганига анча бўлди. Бироқ, 70-йиллар давомида бу ёрдам фақат номигагина бўлди, холос. Бошланғич ташкилотимиз билан район ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик деярли тўхтаб қолди. Лекциялар жуда камдан-кам уюштирилади, қатъий план асосида олиб борилмасди.

Лекин биз КПСС Марказий Комитетининг 1985 йил апрель Пленуми қарорлари асосида ташкилотимизнинг қишлоққа оталиқ ёрдамчи кўрсатиш юзасидан фаолиятини кескин кучайтириш режаларини туздик. Бу соҳадаги ташаббусимизни институт ректорати ва партия комитети, Тошкент область партия комитети ҳам тўла қўллаб-қувватлади.

Шунга мувофиқ бошланғич ташкилотимиз билан «Билим» жамияти Оққўрғон район ташкилоти ўртасида «Дўстлик ҳамкорлиги» шартномаси тузилди. Бу шартнома институтимиз партия комитети мажлисида ва Оққўрғон район партия комитети бюросида тасдиқланди. Шундан буён биз оталиқ ёрдами кўрсатиш бўйича фаолиятимизни шу шартнома асосида олиб бормоқдамиз. Бу ишимизни қайта қуришдаги дастлабки ютуқларнинг бири бўлди.

Эндиликда оталиқ ёрдамини қатъий тузилган планграфик асосида олиб бормоқдамиз. У олдиндан ташкилотимиз ва «Билим» жамиятининг Оққўрғон район ташкилоти ўртасида бир йилга мўлжаллаб тузилади. Унда лекциянинг қачон, қаерда, ким томонидан ўқилиши аниқ кўрсатилган. У босмахона усулида кўпайтирилиб, Оққўрғон районидаги барча хўжаликларга, шунингдек, институтимиз факультетлари ва кафедраларига тарқатилган.

Аввало, лекторларимиз лекцияга олдиндан ҳар томонлама пухта ҳозирлик кўриш имкониятига эга бўлдилар. Энг муҳими, Оққўрғон районидаги колхозлар ва совхозларда лекция ўқиладиган аудитория барвақт тайёрланмоқда. Лекция бўлишидан 10-15 кун илгари бу ҳақдаги эълон кўзга кўринарли жойларга осиб қўйилади. Шунинг учун ҳам аудиторияларда жуда кўп киши қатнашадиган бўлиб қолди. Илгари эса кўпинча 10-15 кишидан иборат тасодифий аудиторияларда ҳам лекциялар ўқилаверарди.

Лекторларимизнинг лекцияларига нисбатан масъулияти ҳам кескин ошди. Чунки аудитория олдидан ҳар томонлама тайёрланган учун шундай бўлиши табиий эди. Лекцияларни ўқишда тингловчиларни қизиқтирмайдиган, узундан-узоқ сийқаси чиққан насиҳатомуз назарий ваъзхонлик, монолог тарзида ўқиш методидан воз кечдик. Лекцияларнинг ҳаётга, уни тинглайдиган меҳнаткашлар турмушига, бевосита қайта қуриш ва жадаллаштириш практикасига яқинлаштиришга астойдил ҳаракат қилинмоқда. Уларни мулоқот шаклида олиб

ИДЕОЛОГИЯ ВА ҲАЁТ

боришга алоҳида аҳамият берилмоқда. Бу лектор билан тингловчилар ўртасида алоқанинг яхшиланишига, лекцияларнинг мазмунли ва кўпдан-кўп ҳаётий мисоллар асосида бўлишига ёрдам бермоқда.

Ишимизда янада бир янгилик ҳақида тўхталиб ўтмоқчимиз. «Билим» жамиятининг институт факультетларидаги группалари ва кафедраларни мутахассислик бўйича районнинг эллиқта ташкилотига бириктириб қўйдик. Барча факультетлар ва кафедраларнинг олимлари ўз оталиқларидаги меҳнат коллективлари билан яқин алоқа ўрнатганлар. Улар хўжаликларнинг иқтисодий фаолиятини чуқур ўрганиб, уни юритишнинг илғор усулларини ишлаб чиқаришга жорий этишда амалий ёрдам кўрсатмоқдалар. Шу туфайли қатор хўжаликларда бригада пудрати қўлланилмоқда. Бошқа қатор қимматли таклифларимиз ҳам кенг фойдаланиляпти.

Деярли барча факультетлар ва кафедралар оталиқ ёрдами кўрсатишда ибратли ишларни амалга оширмоқдалар. План-иқтисод, қишлоқ хўжалик экономикаси факультетлари, меҳнатни илмий ташкил этиш, саноат экономикаси, қишлоқ хўжалик экономикаси, савдо экономикаси, фалсафа, КПСС тарихи ва бошқа қатор кафедралар коллективлари шулар жумласидандир. Улар хўжаликларда бевосита ишлаб чиқаришни ташкил этишни такомиллаштириш, унинг иқтисодий усулларини кенгроқ жорий этиш ва саноат экономикаси кафедраларининг самарали ишини мисол қилиб келтириш мумкин. Бу кафедралар ўқитувчилари бир группа студентлар билан йўл қурилиши ва фойдаланиш участкаси, автобус-такомотор парки, тўқимачилик-атторлик фабрикаларида иш вақтидан фойдаланиш коэффициентини таҳлил қилдилар. Бунинг натижасида иш вақтидан оқилона фойдаланиш, унинг йўқотилишини камайтириш, меҳнат интизомини мустаҳкамлаш бўйича қатор таклиф ва мулоҳазалар киритилди.

Лекциялар ўқишда сон кетидан қувиш тўла бартараф этилди. Бунда мазмунга кўпроқ эътибор берилмоқда. Меҳнат коллективлари билан доим мулоқотда бўлиш, уларнинг ишлаб чиқаришдаги ютуқлари, камчиликларини ўрганиш, турли масалалар юзасидан фикр ва мулоҳазаларини инобатга олиш лекциялар сифатининг ошишида катта роль ўйнамоқда.

Оққўрғон район агросаноат ишлаб чиқариш бирлашмаси базасида «Иқтисодий билимлар халқ университети» ташкил этдик. Оталиғимиздаги бу университетга қишлоқ хўжалик экономикаси бўйича етук мутахассислар раҳбарлик қилишмоқда. Қишлоқ хўжалиги экономикаси кафедраси профессор-ўқитувчилари университет машғулотларида лекциялар ўқишмоқда.

Институтимиз олимлари томонидан меҳнат коллективларида олиб бораётган кузатишлар, изланишлар ва хулосаларнинг якуни сифатида районда илмий-амалий конференция ўтказишга тайёрланиб қўрилмоқда. Шу вақтгача қатор илмий-амалий конференциялар ташкил этилди. «КПСС XXVII съезди қарорлари асосида меҳнаткашларни атеистик руҳда тарбиялаш» ва «КПССнинг кадрлар сиёсати» мавзуида уюштирилди.

Бироқ, бошланғич ташкилотимизнинг оталиқ ёрдами кўрсатишда қатор камчиликлари ҳам бор. Биз ҳар доим ҳам давр талабларига асосида ишлаётганимиз йўқ. Айрим лекция ва суҳбатларнинг савияси кўнгилдагидек бўлмаяпти. Барча лекцияларнинг мазмунли бўлишига эришганимизча йўқ, айрим лекциялар маҳаллий фактлар билан етарли боғлаб ўқилмайди. Биз бу камчиликларни биламиз ва уларни бартараф этиш учун зарур чораларни кўрамиз.


Ш. КАРИМОВ,
Тошкент халқ хўжалиги институти «Билим» жамияти ташкилотининг раиси, доцент.

БЕШ ЙИЛЛИК ВАХТАСИДА



● **ТОШКЕНТДАГИ «Геологоразведка» заводида Улуғ Октябрь юбилейи шарафига бағишланган мусобақада механика участкасининг фрезерчилари Олег Корнейко (чапда) ва Сергей Головашевлар олдинда боришмоқда. Уларнинг ҳар иккиси беш ойлик планларини муддатидан бир ҳафта олдин бажариб, социалистик мусобақа ғолиби бўлдилар. Пешқадамлар йиллик планларини 7 ноябрга қадар бажаришга аҳд қилишган.**

А. Тўраев фотоси.



● **ВИЛОЯТ Саидов Оққўрғон районидаги Алимкент посёлкасида жойлашган 46-автобазанинг илғор ҳайдовчиларидан. У олти йилдан бери шу ерда фидокорона меҳнат қилиб келмоқда. В. Саидов халқ хўжалиги юкларини манзилларига ўз вақтида етказиб, ойлик планларини 110—115 процентдан адо этмоқда.**

Х. Аввалов фотоси.

АВВАЛГИ САЙЛОВДАН СЎНГ

21 ИЮНЬ— МАҲАЛЛИЙ СОВЕТЛАРГА САЙЛОВЛАР КУНИ

СУРАНКЕНТ қишлоқ Совети территориясининг кенглиги, саноат корхоналари, қурилиш ташкилотлари, маданий-маиший ва медицина, савдо муассасаларининг жойлашиши жиҳатидан Коммунистик районидаги йирик маҳаллий Советлардан ҳисобланади. Қишлоқдаги 9 та аҳоли пунктида 11 минг 750 дан зиёд киши яшайди. Ана шу аҳолининг ижтимоий фойдали меҳнатга яроқли қисми қишлоқ Советига бўйсинувчи Свердлов номли колхоз, Охунбобоев номли ва У. Юсупов номли совхозларда, 11-хўжалик ҳисобидаги ремонт-қурилиш отряди, «Қизил тонг» тикув ишлаб чиқариш бирлашмаси филиали. Тошкент область физиотерапия шифохонаси, 100 ўринли «Суранкент» қишлоқ участка шифохонаси, ҳар куни 200 беморни қабул қиладиган поликлиника ва фельдшерлик-акушерлик пунктлари, 6 та ўрта мактаб ва 8 та болалар боғчаларида меҳнат қилади.

Қишлоқ Совети территориясида 450 ўринли маданият саройи, 750 ўринли 2 та қишлоқ маданият уйи ва 300 ўринли 2 та қишлоқ клуби аҳолига маданий хизмат кўрсатмоқда. Бундан ташқари ўнлаб савдо, умумий овқатланиш ва маиший хизмат объектлари ишлаб турибди.

Кейинги йилларда қишлоқ Совети, унинг ижроия комитети ўз территориясидаги корхона, ташкилот ва хўжаликлар ишини назорат қилиш, улар раҳбарларининг турли масалаларга оид ҳисоботларини мунтазам тинглаб бориш хусусида берилган ваколатидан янада тўлароқ фойдаланадиган бўлиб қолди. Бу эса сайловчилар наказларининг тез ва тўла бажарилишига самарали таъсир қилмоқда. Масалан, аввалги сайловлардан сўнг тушган 10 та наказнинг ҳаммаси депутатлар томонидан муваффақиятли амалга оширилди.

Бундан ташқари қишлоқ Советининг ўз ҳуқуқ ва ваколатларини оқилона ишга солаётганлиги туфайли корхона, ташкилот ва хўжаликларнинг социал-маданий қурилишларга ёрдами салмоқли бўлиб бораяпти. Шунинг учун ҳам сайловдан сайловгача бўлган давр ичида бир қатор янги объектлар қуриб ишга туширилди. Медицина ходимлари учун 2 қаватли 16 квартирали бино, Охунбобоев номли ва У. Юсупов номли совхозларнинг ишчи-хизматчилари учун 6 та уй, 15-ўрта мактабда 350 ўқувчи учун қўшимча синфхоналар қурилди. 120 ўринли болалар боғчаси, 80 ўринли йирик чойхона барпо этилди. Икки совхоз территориясида умумий узунлиги 8 километр бўлган йўллар асфальтланди.

Аҳолига савдо, медицина ва маиший хизмат кўрсатишни яхшилаш масаласи ҳам қишлоқ Совети ижроия комитетининг доимий диққат-эътиборидадир. Жумладан, Свердлов номли колхоз сут-товар фермаси ходимлари учун Ийк қишлоқ матлубот жамиятида кундалик эҳтиёждаги маҳсулотлар билан савдо қилувчи янги магазин қуриб берилди. Колхознинг 5-участкасида қийимларни якка буюртма билан тикувчи цех, 4-участкасида эса тандирхона ва обинон ёпиладиган нонвойхоналар иш бошлади.

Қишлоқ депутатлари ишлаб чиқаришнинг ҳамма соҳаларида ташаббус кўрсатиб меҳнат қилмоқдалар. Зиммаларига оширилган мажбуриятлар олиб социалистик мусобақанинг амалдаги ташкилотчиси бўлмоқдалар. Масалан, Свердлов номли колхознинг депутат Ўрол Раимбердиев ва Салим Елибоевлар бошқараётган 3 ва 5-участкаларида пахтадан ҳар йили мунтазам 36—38 центнердан ҳосил олинадиган бўлиб қолди. Механизаторлар Абдурашид Рисбоев, Шарифбой Қорабоев, сут соғувчилар Мария Ким, Галина Ершова, ишчилар Шарофат Режепова, Саодат Худойқулова, шофёр Тоҳир Абдуллаевлар ўз сайловчилари билан мунтазам учрашиб, ҳисоб бериб турадилар. Оммавий-ташкилий ишлар олиб борадилар.

Ҳозирги кунда қишлоқ Совети ижроия комитети депутатларининг доимий комиссияларининг бутун кучғайратини сайловларга ҳар томонлама пухта тайёргарлик кўришга қаратмоқда. Бу йил бутун Коммунистик районида бўлганидек, Суранкент қишлоқ Совети территориясида ҳам аввалги чақириқдаги 75 та ўринга 14 та кўпмандатли сайлов округи ташкил этилган. 80 та ҳақиқий депутатлик мандатга эга бўлиш учун 102 номзод рўйхатга олиниб, 14 та округдан яширин овозга қўйилади. Шулардан энг кўп овоз олган 80 номзодга қишлоқ Совети депутати мандати берилади. Қолган 22 номзод эса резервдаги депутат сифатида қишлоқ Совети сессияларида маслаҳат овози билан иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлади.

Аҳоли ва меҳнат коллективларининг жойлашишига қараб, кўпмандатли округлар бир-биридан фарқ қилади. Масалан, 4-сайлов округида 3 та депутатлик мандати учун 4 кишининг номзоди овозга қўйилса, 2, 3, 5, 12, ва 14-округларда 9 номзоддан 7 киши қишлоқ Советининг депутати қилиб сайланади.

Ҳозир қишлоқ Совети территориясида ҳамма сайлов участкалари ва агитпунктларида тайёргарлик ишлари қизғин тус олган.

А. ИУЛДОШЕВ.

ЖУРНАЛЛАРНИНГ ЯНГИ СОНЛАРИДА

«МУХБИР» — «КОРРЕСПОНДЕНТ»

«Мухбир» — «Корреспондент» журналининг бешинчи сони босмадан чиқди. Бу сонда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг V пленуми тўғрисидаги информацион билдириш, КПСС Марказий Комитетида оммавий ахборот воситалари раҳбарларининг кенгаши, СССР Журналистлар союзининг VI съезди материалларига кенг ўрин берилган. «Съездан кейинги йиллар» рубрикаси остида съезд делегати, Ўзбекистон Журналистлар союзи Тошкент ташкилоти правлениеси раиси Н. Насимовнинг «Давр талабларига жавоб» сарлавҳали мақоласини ўқиб сиз.

«Правда» — 75 ёшда. «Ленин «Правда» газетасининг ҳарф териш цехида» ҳамда «Сўз — ишчи-деҳқон мухбирларига» рубрикаси остида берилган қатор материаллар Матбуот кунига бағишланган. «Ветеранларимиз» рубрикаси остида жангчи журналистлар ҳақида лавҳалар босилган. «Газета ва ҳуқуқий тарбия» рубрикаси остида эса Ўзбекистон ССР прокурорининг ўринбосари О. Гайдановнинг «Социалистик қонунчилик ва ҳуқуқий тарбияни мустаҳкамлаш йўлида» сарлавҳали мақоласи эълон қилинган.

Бекобод район «Коммунист» газетасининг редактори К. Мавлоновнинг «Танқиднинг таъсир кучи» сарлавҳали мақоласи қайта қуриш қирраларига, «Мухбир» — «Корреспондент» журнали ва «Воздушний транспорт» газетасининг рейд материали газеталарни обуначиларга ўз вақтида етказиб беришга бағишланган. «Ҳамкасбларимиз», «Радио», «Полиграфия», «Изланиш» клуби, «Фоторепортаж» ва «Информация» рубрикалари остида ҳам журнал саҳифаларидан бир қатор материаллар жой олган.

МОЛИЯ ВА

КАПИТАЛ МАБЛАҒЛАРДАН

КПСС XXVII съездининг тарихий қарорларида қурилиш ишлаб чиқаришини, уни бошқаришнинг иқтисодий усулларини такомиллаштиришга, капитал маблағлардан фойдаланишни яхшилашга қаратилган кенг тадбирлар программаси белгилаб берилди, объектларни барпо этиш муддатларига қатъий амал қилиш зарурлиги алоҳида таъкидланди.

Жамиятимиз тараққиётининг ҳозирги қайта қуриш ва жадаллаштириш босқичида бу муҳим вазифани амалга ошириш, аввало, барча юқори ва ўрта хўжалик босқичлари раҳбарларининг психологиясини ўзгартиришни талаб этади. Улар барча объектларнинг муддатида ва барвақт фойдаланишга топширилиши юзасидан ўз масъулиятларини чуқур ҳис қилишлари лозим. Очиғини айтиш керакки, ҳали бу масалада айтарли натижаларга эришилганича йўқ. Дастлабки қадамларгина қўйилди, холос. Шунинг ўзи ҳам қурилиш ишлаб чиқаришда муайян ижобий натижаларга олиб келди.

Бироқ объектлар қурилиши учун жавобгар бўлган барча раҳбар ходимлар ҳам давримизнинг юксак талаблари даражасида ишлаётганлари йўқ. Уларда ҳали ҳам тор маҳкамачилик кайфияти ҳукм сурмоқда, объектларни тез ва сифатли қуришни таъминлаш йўлларини қидириш ўрнига бир йўла қурилаётган объектлар сонининг асосли-асоссиз равишда кўпайтиришга интилмоқдалар. Бу ҳеч қачон ижобий натижалар бермаслигини тажрибани ўзи кўрсатиб турибди. Чунки бундай шароитда моддий-техника ва ишчи кучи ресурслари барча объектларга тарқатиб юборилади. Натижада фойдаланишга топширилиши зарур бўлган қурилишлар вақтида барпо этилмайди, бошқаларини бунёд этиш ишлари эса ниҳоятда чўзилиб кетади.

Шундай корхоналар қаторига Ангрендаги «Узбекрезинотехника» ишлаб чиқариш бирлашмасини киритиш мумкин. Бу бирлашма тўла хўжалик ҳисобига ва ўзини ўзи маблағ билан таъминлаш услубига ўтказилган. Бироқ бу усулнинг бирлашма учун белгиланган кўрсаткичлари мавжуд талабларга тўла жавоб бермайди. Масалан, ўтадиган объектларни қурилиш муддатлари нормаларига мувофиқ фойдаланишга топшириш учун капитал маблағ билан таъминлаш соҳасида камчиликка йўл қўйилмоқда. Шунингдек қурилишлар лойиҳаларининг технологик ечимлари ва техник-иқтисодий кўрсаткичлари Ватанимиз ва чет элда бу соҳада эришилган энг юқори даражадан орқададир.

Техника ускуналари объекти қурилиши ўтадиган қурилиш ҳисобланади. У 1978 йилдан бери қурилаяпти. Бу объектни барпо этишга 4,5 миллион сўмликдан ортиқ маблағ сарфланди. Лекин смета лимитига мувофиқ яна 7 миллион сўм ўзлаштирилиши керак. Шундай бўлишига қарамасдан объект бу йилги планга киритилмаган.

Бирлашманинг конвейер лентаси деб аталувчи объекти қурилишида ҳам шундай ҳолат ҳукм сурмоқда. Ўттифоқ қурилиш банки билан келишилган дастлабки титул рўйхатга мувофиқ у 1986 йилда қуриб бўлиниши керак эди. Бироқ смета қийматининг 151,6 миллион сўмлиги фойдаланилмай ётган бу объектни қуришга бу йил бор-йўғи 9,5 миллион сўмлик капитал маблағлар лимити ажратилган. Бу маблағни ҳам иттифоқ Госснабининг улуш бўйича қатнашиши билан қозонхона қурилишига тўла сарфлаш назарда тутилган. Чунки бу объектни 1988 йилда ишга тушириш зарур. Шундай қилинсагина бу йил ишга туширилади ган картон фабрикаси иссиқлик энергияси билан таъминланадиган бўлади.

Шундай бир вақтда асосий ишлаб чиқаришнинг қатор ўтадиган объектлари қурилишини давом эттиришга капитал маблағ ажратилмаган. Ваҳоланки, бу объектлар қурилиши учун узоқ муддатли кредитдан фойдаланилмоқда. Ҳозиргача 13 миллион сўм ажратилди ва бу объектлар учун қиймати 12 миллион сўмликдан кўпроқ асбоб-ускуналар келтириб қўйилди. Бу объектларни зарур капитал маблағлар ва шунга мувофиқ меҳнат ҳамда материал ресурслари билан таъминламаслик узоқ вақт давом этиши натижасида ишлаб чиқариш корпусларининг монтаж қилинган салкам 5,0 минг тонна каркас металл конструкциялари яроқсиз ҳолга келиши ҳамда омборлардаги мавжуд асбоб-ускуналардан фойдаланиш имконияти бой берилиши мумкин.

Бирлашма объектларини барпо этишда бундай аҳволнинг вужудга келишида Бутуниттифоқ «Союзрезинатехника» ишлаб чиқариш бирлашмаси раҳбарларининг ҳам айби бор. Чунки улар бир йўла қурилаётган объектлар сонини қисқартириш ва ресурсларни объектларнинг вақтида қурилишини таъминлаш учун марказлаштириш бўйича қатъий ҳаракат қилиш ўрнига шу йилнинг ўзидаёқ Иттифоқ Қурилиш банки билан келишмасдан министрлик тасдиқлаган титул рўйхатига икки марта тузатиш киритдилар. Бунда қозонхона қурилиши учун ажратилган маблағни 9,5 миллион сўм ўрнига 6,2 миллион сўмга камайтирдилар. Қолган маблағни қурилиши қайтадан бошланадиган техника ускуналари ишлаб чиқариши, қурилиш индустрияси базаси, профилакторий, магазин, чойхона, маиший хизмат кўрсатиш комбинатига сарфлашни режалаштирдилар. Ваҳоланки, бу объектлар 1987 йилнинг титул рўйхатида йўқ эди. Шундай қилиб, маблағларни кўплаб объектларга тарқатиб юбориш ва қурилиш муддатларининг нормаларини бузишга йўл қўйдилар.

Бизнинг фикримизча, Бутуниттифоқ ишлаб чиқариш бирлашмаси раҳбарлари бу масалада давлат манфаатларига зид иш тутмоқдалар. Чунки «Резинотехника» заводи учун қозонхона ҳозирча керак эмас. Зероки, мавжуд қозонхона унинг иссиқлик энергиясига бўлган ҳозирги талабини тўла қондирмоқда.

Ангрендаги картон фабрикаси қурилишидаги аҳвол ҳам аянчлидир. Уни барпо этиш ишлари банкнинг узоқ муддатли кредити ҳисобига 1982 йилда бошланган эди. 1985 йилнинг тўртинчи кварталида тугатиш назарда тутилган эди. Амалда эса фабрика қурилиши иссиқлик таъминоти масаласини ҳал қилишнинг судралиши ва лозим миқдорда капитал маблағларни ажратмаслик оқибатида чўзилиб кетди. Бу шунга олиб келдики, қурилаётган фабрика дирекцияси омборларида ўрнатилмаган салкам 14 миллион сўмлик асбоб-ускуна тўпланиб қолди. Шундай аҳволни ҳисобга олиб фабрика қурилишини тугатиш 1988 йилга кўчирилди. Эндиликда бу муддатнинг бузилишига йўл қўймаслик керак.

Капитал маблағлар лимитларини хоҳлаганча белгилаш, аввало, ўзини-ўзи маблағ билан таъминлаш ва тўла хўжалик ҳисобига ўт-

«Октябрь инсонлар тақдирида» конкурсига

ОҚАРИБ КЎРИНАР БИР ЕЛКАН...

Кема соҳилдан қўзғалди. Баҳор кезлари асосиз отдек ўйноқи бўладиган Жайхун уни тинчгина қарши олди. Эҳтимол юраги қинидан чиқиб кетадиган даражада тепаётганлиги учун Саодатга бу оқшом ҳам, шовуллаб оқаётган дарё ҳам жуда сокин туюлгандир.

Қўлга тушиб қочоқлиги очилиб қолишидан қўрқинч кема қирғоқдан узоқлашган сари аста-секин камайгач, ҳадиксираб атрофга аланглай бошлади. Тун ойдин, улар кумушдек жилоланиб турган сувда сузиб борардилар. Саодат бир дақиқа кўзни юмиб, ўзини соҳилда тургандек тасаввур этди.

Ҳа, бу ўша акасининг «Минг бир кеча» китобидан ҳижжалаб ўқиган эртакларидек уфққа талпинаётган елканли қайиқ. Олисда ана шу Аму уфққа туташиб кетадиган жойда тушларига неча бор кириб чиққан нурли манзил, Ҳурлик, тенглик ҳамма эзгу ниятлар рўёбга чиқадиган маскан.

Эҳ, орзулар, орзулар. Тўрткўлда илк бор янгича мактаб остонасидан ҳатлаб ўтганида ҳам қанчалар қувончда, ширин хаёллар оғушида эди. Икки йил ўтар-ўтмас эса онаси ўн бир ёшли қизалоқни «катта бўлиб қолдинг» деб паранжи-чачвонга чирмаб ташлади-ку! Кечагина болалик қувончларини баҳам кўрадиган рус, татар дугоналари уни бу ҳолда кўриб индамай қўя қолдилар.

Яна икки баҳордан сўнг эса онаси турмуш қуришдан оғиз очиб қолди. Бу вақтда билимга тиришқоқлигини сезиб, ўзи саводсиз бўлса ҳам Саодатни янгича мактабга берган отаси оламдан кўз юмган, оиладаги ўн фарзанд катта ака қарамоғида қолган эди.

Ўн бир жон ташвишида ўзини ўтга ҳам, чўққа ҳам уриб, юрган ака Саодатга шаҳарлик бек совчи қўйганида талмовсираб қолди. Афтидан унинг кўз олдига бекнинг етмишни уриб қўйганлиги, Саодатга унга тўртинчи хотин-чўри бўлиши эмас, «она сути ҳаққи» сифатида берадиган дон-дуни келган бўлса ажаб эмас. Хуллас, совчиларга розилик берилди, тўй тараддудига киришилди.

Демак, алвидо, узоқдаги елканли кема, алвидо орзулар?

Саодатнинг дардига ундан сут оладиган мижози Анастасия Лазарева шерик бўлди. У ёш қизалоқнинг қайғусини турмуш ўртоғи — «тўртинчилар»дан бўлган чекистга айтди.

Мана уларнинг ёрдами билан Саодат кемада келажаги сари сузиб кетмоқда. Лазаревлар таништириб қўйган Зокиржон Шамсиев қизчага кўз-қулоқ. Бўш вақт топди дегунча ёнига келиб ҳол-аҳвол сўрайди, қизиқ-қизиқ воқеаларни ҳикоя қилиб беради. Зокиржон босмахона ишчиси, акаси Хусайн Шамс ёзувчи эканлигини ҳам айтди. Саодат тасодиф ҳаёт йўлини белгилаётганлигини, эндиликда умри шу оила билан, Зокиржон билан чамбарчас боғлиқ бўлишини ҳам билмасди. Ниҳоят ўн олти кунлик кема сафари ҳам тугади. Уни янги соҳил, янги ҳаёт кутаётган эди.

ҲАЁТ БИЛАН ЮЗМА-ЮЗ

— Маъруза учун навбат Саодат Шамсиевага.

У аланглаб ёнига қараса Комил Алиев кулимсираб секингина: «Дадил бўл, дилингдагини очиқ гапиравер!» деб шивирлаб қўйди.

Самарқанднинг машҳур Абрамовский бульварида паранжи ташлашга бағишланган митингга кўп одам тўпланган эди. «Ҳужум» Туркистон ўлкасининг шаҳар ва қишлоқлари узра энди қанот ёзаётган эди, матбуот саҳифаларида янги ҳаётга очиқ юз билан талпинган хотин-қизлардан баъзиларининг фожиали қисмати тўғрисида изтиробли хабарлар эълон қилиниб турарди.

Йиғин ўртасидан маъруза қилиш учун тайёрланган жойгача бўлган бир неча ўн қадамни Саодат қанча вақт ичида босиб ўтганлигини эслай олмайди.

САОДАТ

• ОЧЕРК •

Минбарда бир зум нафасини ростлаб олгач, янги ҳаёт бахтиёрлиги, ҳур замонда очиқ юз билан яшаш зарурати ҳақида гапира бошлади. У ҳаяжонланганидан овозини эшитмас, сўзлари қалбидан отилиб чиқар, шундай бўлса-да, тўпланганларнинг сукут сақлаб тингшлари гапларини берилиб тинглаётганликларидан далолат берарди.

Саодат сўзини тугатгач— хотин-қизлар бошларидаги паранжи ва чачвонларни қўча ёнидаги хиёбонда ўт олдирилган гулханга улоқтира бошладилар. Бу йиғинга тўпланганларнинг аксарияти Самарқандда 1929 йилда ўтаётган Ўзбекистон Советлари III съездида иштирок этаётган хотин-қизлар эди. Саодатнинг жўшқин сўзлари уларга туртки бўлди. Делегат аёлларнинг баъзилари аввал бироз журъатсизланиб, кейин эса баҳор тошқинидек шижоат билан очиқ чеҳраларига тортилган қафасни нафрат ила алангага улоқтирдилар. Хотин-қизларнинг бу журъатини шу ерда жойлашган Ўзбекистон ССР Марказий Ижроия комитетининг аъзолари Йўлдош Охунбобоев, Тожихон Шодиева, Жаҳон Обидовалар балкондан туриб олқишладилар. Эртаси куни «Қизил Ўзбекистон» газетасида Саодат Шамсиеванинг йиғиндаги нутқи барча хотин-қизларга мурожаат тариқасида эълон қилинди.

— Ўша даврнинг ҳар бир куни ана шундай ҳаяжонли воқеаларга бой эди, — хотирлайди Саодат ая. — Кемадан тушиб Шамсиевлар оиласига келиб қолгач, Эскижўвадаги 1-босмахонада ишлай бошладим. Босмахона ишчилари билан биргаликда Ҳамза, Ғафур Ғуломнинг шеърларини тинглаганмиз.

Кейинчалик Шайхонтоҳурдаги Алихўжабойнинг собиқ уйида очилган «Дорулмуаллимот» хотин-қизлар билим юртида таҳсил кўрган пайтларимизда ҳам ўзбек совет адабиётининг таниқли намояндалари билан учрашиб турардик. Самарқанд педагогика билим юртида эса Ҳамид Олимжон билан бирга ўқиганлигимдан фахрланаман. У биздан бир курс олдин бўлса ҳам тез-тез учрашиб, янги ёзган шеърларини тинглаб турардик. Ҳамид Олимжон менга «Ҳужум» ҳаракати, бунда маърифатчи аёлларнинг роли ҳақида жуда кўп гапириб берарди.

Иигирманчи йилларнинг охири ва ўттизинчи йилларнинг бошлари ўлкамиз ёшлари учун ўқиш ва кураш даврлари бўлган десак бўлади. Саодат ҳам билим юртини тугаллагач Москва ва Ленинградда бўлди. У ердаги озод аёллар меҳнати ва ҳаёти билан танишди. Сўнгра Хивадаги хотин-қизлар техникумида ишлади. Техникум Ичан қалъада жойлашган ва қўриқлаб турилишига қарамай, жоҳиллар ҳужуми хавфи остида эди. Техникум ўқитувчилари комсомол ячейкасининг секретари Аваз Отажонов бошчилигида қишлоқларга чиқишар, хотин-қизлар тўғрисидаги совет қонунларини тушунтиришарди. Улар саводсизликни тугатиш курсларида ҳам ўқитувчилик қилардилар.

Хивадан сўнг Саодат Самарқандга келди. Бу ерда Эскишаҳар район комсомоллари уни ўзларига саркотиб қилиб сайлашди. Яна ўша ташвиш ва хавфга тўла ҳаёт. Чунки худди шу йиллари шаҳарда «Ҳужум» ҳаракати авжига чиққан, жаҳолат ботқоғига ботган кишилар эса ҳар бурчакда писиб ётишарди. Аммо ҳурликка бўлган талпиниш бу хавф-хатардан кучли эди. Район комсомол комитетининг секретари коммунистлар Ҳамид Олимжон, Обид Ҳамидов, Жамил Ортиқов, Насрулло Охундий, Дада Ражабов ва бошқаларга таяниб, маҳаллаларда хотин-қизлар ўртасида ташвиқот ишларини олиб борар, паранжи ташлашга бағишланган митинг-йиғилишлар уюштирарди.

Комсомолларнинг фаол етакчиси бўлган Саодат 1929 йили бўлиб ўтган республика комсомолининг съездига делегат қилиб сайланди. Ана шунда уни Чинниҳон Иброҳимова, Сайдинисо Шокирова, Фотима Йўлдошбоева. Ҳикоят Ҳасанова, Ҳамида Аҳмедова сингари жонкуяр хотин-қизлар қатори комсомол Марказий Комитети аъзолигига лозим кўришди. Ўша пайтда ҳар бир комиссарликда комсомол вакиллари бор эди. Уни Маориф комиссарлигига бириктириб қўйишди. Саодат бу ерда илмга чанқоқ ёшларни марказий олий ўқув юртларига жўнатиш билан шуғулланарди.

Бир йил ўтгач С. Шамсиева Бутуниттифоқ журналистика коммунистик институтида ўқишга йўлланма олди. Унинг турли темалардаги мақола ва хабарлари тез-тез матбуотда эълон қилинар, айниқса Жаҳон Обидова ҳақидаги очерки кўпчиликнинг олқишига сазовор бўлган эди. Шу ўқув даргоҳида 1931 йили РКП(б) сафига қабул қилинди.

Институтни тугаллагач Андижонда машина-трактор парклари қошида янги ташкил этилган газетага муҳаррирлик қилди. Сўнгра «Қизил Ўзбекистон» газетасида адабий ходим, бўлим мудири бўлди. Кўп ўтмай Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетига ишга таклиф қилишди.

ТОКИ ҚАЛБ УРАР ЭКАН...

— Ҳақиқат эгилади-ю, лекин синмайди..— Саодат ая чуқур хўрсиниб қўйди.— Бироқ ҳақиқатнинг букилиши инсофданми? Бу қанчадан-қанча тақдирларни дарз кетказди... Бу саволларга унинг ўзи аллақачон жавоб топиб қўйган. Коммунист адолат албатта тантана қилишига ишончи қатъий бўлиши шарт. Акс ҳолда у бу номга муносиб эмас.

Бирор айбини айтишмай ишдан четлаштиришганда қайси ташкилотга мурожаат қилмасин, шубҳа билан қарашларини яққол сезиб турган пайтларида ҳам Саодат Шамсиева тушкунликка тушмади. Ангренда «Ўзбекистон шахтери» газетасида масъул секретарлик қилди, область, республика матбуотларида мақолалар билан қатнашиб турди. 1956 йилда коммунист С. Шамсиева тўла оқланди. У республика радиосида, «Совет Ўзбекистони» газетасида журналистик фаолиятини давом эттирди ва олтмишинчи баҳорини қаршилагач пенсияга чиқди.

Инқилоб алангасида тобланган ая қарилик гашти деганда ҳам фаолликни тушунади. У пойтахт Ҳамза райони ветеранлар Советининг аъзоси, ветеран журналист сифатида Калинин район «Ленинчи» газетасига оталиқ қилмоқда. Бу ерда тез-тез бўлиб, редакция ходимларига қимматли маслаҳатлар беради, газета материалларини обзор қилиб туради.

Саодат аянинг уйида бўлганимизда унинг иш столи устида даста-даста мактубларни кўрдик. Улар С. Шамсиеванинг «Ёш ленинчи» газетасида эълон қилинган «Оила гўзаллиги» мақоласига республикамизнинг турли бурчакларидан келган хатлар экан.

— Мақолам чиққанидан бери мингтадан кўпроқ мактуб олдим,— дейди у.—Ёшлар, кўпроқ қизлар ҳали ҳам менга хат йўллаб туришибди.

У стол устидаги хатларни яна бир кўздан кечирар экан, бирдан ҳаяжонланиб кетди:

— Ҳўп ажойиб давр келди-да, рости, ҳозирги журналистларимизга ҳавасим келади. Жамиятимизда ошкоралик, кенг демократия қарор топаётган пайтда улар чинакамига партиямиз ўйфикрларининг ифодачилари бўлишлари лозим. Шунинг учун мен ҳам қаламим билан жамиятимизни янгилаш, қайта қуриш ишига озбўлсада, ҳиссамни қўшсам дейман.

Бизнинг эса Саодат аяга ҳавасимиз келади. Тақдирга тан бермаган, ўлкамизда маърифат чироғини биринчилардан бўлиб қўлида кўтарган, «Ҳужум»га шиддат берган, қалами билан ҳақиқат ва эзгулик учун курашган, тўла маънода саодатли аёл.

Улуғ Октябрнинг шонли 70 йиллиги арафасида уларнинг фидойиликларига яна бир бор таъзим қилгинг келади.

Адолат НОСИРОВА.

● УРТА ЧИРЧИҚ районидаги Охунбобоев номли колхозининг Худойберган Дадашев бошлиқ бригадаси деҳқонлари бу йил 78 гектар майдонда пахта, 46 гектар ерда каноп етиштирадилар. Гектар бошига пахта ҳосилдорлигини 30 центнерга, каноп ҳосилдорлигини 200 центнерга етказиш мажбуриятини олган коллектив ҳозирги кунда ниҳол қатор ораларида иккинчи ишловни тугалламоқдалар. Суратларда: (пастда) ишлов бериш пайти; илғор механизаторлардан Р. Набиев, М. Шаҳобов ва Й. Султоновлар.

Е. Ботиров фотолари.



СССР—ЯПОНИЯ

ФОЛЬКЛОР ГРУППАСИ

ШУ КУНЛАРДА мамлакатимизда Япониянинг Фукусима вилоятидан келган артистик фольклор группаси меҳмон бўлиб турибди. СССР—Япония дўстлик жамиятининг 23 фаол аъзосидан иборат бу группага мазкур жамият правлениесининг доимий аъзоси, унинг Фукусима вилоятидаги бўлими мудири Тосио Сисидо бошчилик қилмоқда. Хабаровск ва Самарқанддаги санъат мухлисларига ўз концерт номерларини намойиш этган бу группа Тошкент шаҳрида ҳам икки кун меҳмон бўлди. Япониялик меҳмонлар шарафига Чет эллар билан дўстлик ва маданий алоқалар Ўзбекистон жамиятида учрашув ўтказилди. Мазкур жамият раиси Ф. Ғ. Тешабоев меҳмонларга СССР—Япония дўстлик жамияти фаолларидан бир группасини таништириб, жамиятнинг бугунги кундаги ишлари, келгуси режалари ҳақида сўзлаб берди. Шундан сўнг япон делегацияси раҳбари Т. Сисидога сўз берилди.

— Тошкентда бизни жуда яхши кутиб олаётганликларидан мамнунмиз,— деди у.— Бу ерда биринчи бор бўлаётганим йўқ. 1983 йил сентябрь ойида ҳам Тошкентда бўлгандим. Халқларимиз орасидаги ўзаро ҳамфикрлик тобора мустаҳкамланиб, дўстлик ташрифлари кўпайиб бораётганлигидан хурсандмиз. Шу йилнинг 20 июлида ҳам бизнинг вилоят медицина ходимларидан иборат 17 кишилик делегация юртингизга келмоқчи. Мазкур делегация аъзолари Тошкент, Самарқанд, Хива шаҳарларини кўриш умидидалар. Ўйлайманки, улар ҳам биз каби ўз сафарларидан мамнун бўлиб қайтадилар.

— Япония вақтли матбуоти мамлакатингиз ҳақида кўп ёзади,— деди делегация аъзоси Т. Мурата.— Аммо, бу материаллар асосан салбий оҳангда бўлади. Юртингизга келиб кетганлардан эса кўпгина яхши гаплар эшитаман. Юз марта эшитгандан бир марта кўрган яхши, деганларидек, ниҳоят сафарга отландим. Халқингиз билан яқиндан танишар эканман, совет кишиларининг тинчликпарвар, ниҳоятда меҳрибон, меҳмондўст одамлар эканлигини ҳис қилдим. Ватанимга қайтгач, барча таниш-билишларга буюк давлатингиз одамлари ҳақида, ғоят иноқ, меҳнаткаш, меҳмондўст кишилар ҳақида албатта ҳикоя қилиб бераман.

Япон делегацияси аъзолари ўз мамлакатлари ҳақида, уларни ташвишлантираётган бугунги муаммолар ҳақида ҳикоя қилиб бердилар.

У. АБДУШОҲИДОВ.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ материаллари изидан

«ҒАФЛАТ БАНДАЛАРИ»

«Ғафлат бандалари» фельетони («Тошкент ҳақиқати», 1987 йил, 4 апрель) юзасидан Акмал Икромов район ижроия комитетининг раиси Г. Медников қуйидагиларни маълум қилади:

«Районда яширин мусулмон жамоалари, рўйхатдан ўтмаган соҳта муллалар, отинойилар фаолиятининг пайини қирқиш юзасидан мақсадга йўналтирилган иш олиб борилмоқда. Жойларда жамоатчилик, район аҳолисининг ҳаракати бир мунча активлашди.

«Бешқайрағоч» маҳалласида яшовчи Т. Тўлаганов хотини ва фарзандларини эскича диний маросимларга риоя этишга мажбур қилган. У қонунга хилоф диний фаолият билан шуғулланиб келган мутаассиб товламачи Х. Сулаймоновнинг таъсирига берилган. Сулаймонов ва Тўлагановлар носоғлом, зарарли фикрлар айтиб юрганликлари, диний ташвиқот олиб борганликлари учун жиддий огоҳлантирилди. Улар яна шундай ҳолга йўл қўйсалар бу иш маъмурий органларга топширилади.

«Бешқайрағоч», Ҳ. Абдуллаев номли маҳалла комитетлари аҳоли ўртасида етарли ғоявий-сиёсий, ҳуқуқий, атеистик тарбия олиб бормаётганликларига эътибор қаратилди. Маҳалла йиғилишларида юқоридаги шахсларнинг қилмишлари муҳокама қилинди.

Май ойида Ҳ. Абдуллаев номли маҳаллада коммунистларнинг йиғилиши ўтказилди. Йиғилишда аҳоли ўртасида ғоявий-тарбиявий ва ойиқса атеистик ишнинг аҳволи муҳокама қилинди.

Бу маҳаллалар алоҳида эътиборда бўлади, уларда истиқомат қилувчи аҳоли ўртасида турли тадбирлар, лекциялар, атеистик ва ҳуқуқий мавзулардаги суҳбатлар уюштирилади».

РЕДАКЦИЯДАН:

«Ғафлат бандалари» фельетони ва «Маҳалланинг ўктам аёллари» мақоласини (1987 йил, 10 апрель) ёзишда газета мухбири Э. Ҳайдаров бир қатор чалкашликларга йўл қўйган. Автор А. Икромов районида, хусусан, «Партия XXIII съезди» маҳалласидаги олиб борилаётган ғоявий-тарбиявий ишларга баҳо беришда бирёқлама ёндашган.

Фельетонда тилга олинган Ҳ. Мақсудовнинг ишхонадаги жойи, партиявийлиги хусусида ноаниқликка йўл қўйган. Жумладан, Ҳ. Мақсудов мақола эълон қилинган пайтда КПСС сафидан ўчирилган, Собир Раҳимов районидаги 219-мактаб директорлиги лавозимидан бўшатилган. (Мақолада мактаб А. Икромов районида деб ҳам нотўғри кўрсатилган). Бундан ташқари Ҳ. Мақсудовнинг Сулаймонов билан ҳеч қандай алоқаси бўлмаган. У Ҳ. Абдуллаев номли маҳалла комитетида ишлаётганида идеология соҳасига даҳлдор эмас эди.

Шуни ҳам айтиш керакки, фельетонда кўрсатилган ака-ука Рашидовлар, М. Набиев, Ҳ. Абдуллаев, А. Миродилов, А. Қаюмов, А. Одилов, М. Иброҳимовларнинг ғайри-қонуний диний фаолият билан шуғулланмаганликлари маълум бўлди.

Редакция коллективи мухбир Э. Ҳайдаровнинг фаолиятини муҳокама қилиб, йўл қўйган нуқсонлари учун уни жазолади. Унга қаттиқ хайфсан эълон қилинди.

ЧЕТ ЭЛЛАРДА

• МАМЛАКАТЛАР • ОДАМЛАР • ВОҚЕАЛАР •

КАМСИТИШ ЧОРАЛАРИ

ВАШИНГТОН, 2 июнь. (ТАСС). 1 июндан бошлаб АҚШ давлат департаментининг Вашингтондаги социалистик мамлакатлар оммавий информация воситаларининг вакилларига нисбатан камситувчи чоралари кучга кирди. Давлат департаментининг қарорига биноан бу мамлакатларнинг журналистлари эндиликда унинг матбуот бўлимига кириш учун доимий пропускадан маҳрум этиладилар ва олдиндан келишиб олинган ҳолда ҳодимлар ҳамкорлигидагина АҚШ ташқи сиёсий идорасига кира олишлари мумкин. Америкаликнинг расмий кишилари бу чораларни «ҳавфсизликни мустаҳкамлаш мулоҳазалари» деб тушунтирдилар.

Шу муносабат билан давлат департаментидаги вакил қилинган журналистлар тўғрисида ва ҳамкорлик комиссиясининг раиси, давлат департаменти ҳузуридаги мухбирлар уюшмасининг президентига ҳат юбордилар.

Социалистик мамлакатлар журналистларига нисбатан тутилган бу камситувчи ҳаракат Америкадаги муайян доираларнинг Варшава Шартномасида қатнашувчи давлатлар билан муносабатларни яхшилаш жараёнини бўғиб қўйишдан иборат умумий йўлини акс эттиради.



ЭРОН—ИРОҚ УРУШИ

БАҒДОД, 2 июнь. (ТАСС). Кеча Ироқ ҳарбий ҳаво кучларининг самолётлари 39 марта, вертолётлари эса 89 марта жанговар учиш қилиб, фронт чизиғи бўйлаб душман қўшинлари йиғилган районларни бомбардимон қилди ва ўққа тутди, деб хабар берди ҳарбий қўмондонлик. Фронтнинг марказий участкасида бўлинмалар душман қўшинларининг илғор позицияларига ҳужум қилди. Ўша ерда Ироқ танклари қаттиқ ўт очди. Пиёдаларнинг 10 тадан кўп позициялари, бир неча кузатиш пунктлари яксон қилинди. Эрон қўшинлари Басрадан шарқда, шимолий қанотда ҳамда Фао ярим оролида аскар ва техникадан талафот кўрди.

НИКОСИЯ, 2 июнь (ТАСС). ИРНА агентлигининг хабар беришича, кеча фронтнинг ҳамма участкаларида артиллерия отишмалари рўй берди. Шимолий қанотда бир неча дала ўқдори омборлари, бронетранспортёрлар яксон қилинди. Марказий ва жанубий участкаларда душманнинг позицияларига ҳужум қилинди. Хўрмуза бўғозида Эрон ҳарбий-денгиз кучларининг кемалари 12 жанжий юк кемасини кўздан кечириб чиқди, шулардан иккитаси ушланди ва тинтиб чиқиш учун Эрон портларидан бирига келтирилди.

● РУМИНИЯ Социалистик Республикасининг пойтахти Бухарест мамлакатнинг йирик сиёсий, иқтисодий ва маданий маркази ҳисобланади. Шаҳар ўзининг тарихий ёдгорликлари, музейлари, театрлари, концерт заллари, спорт комплекслари билан туристларни жалб этади. Суратда: Бухарест марказида.

Аджерпресс—ТАСС фотоси.

ХИТОЙ ЭЛЧИСИНИНГ АЙТГАНЛАРИ

МАНИЛА, 2 июнь. (ТАСС). Хитой раҳбарияти Америка қўшинларининг Филиппинда сақлаб турилишини Осиё қитъасидаги тинчлик ва барқарорликка хавф деб билади, деди бу ерда ХХРнинг Филиппиндаги элчиси Чэнь Суилу маҳаллий журналистлар билан учрашувда. У Жануби-Шарқий Осиёдаги вазият ва Америка қўролли кучларининг Филиппинда туриши масаласи хусусида гапирди.

Хитой Тинч океанининг жанубий қисмидаги ядросиз зона тўғрисидаги шартнома-га (Раротонг шартномасига) оид протоколни имзолади ва АСЕАН мамлакатларининг Жанубий-Шарқий Осиёда тинчлик зонаси барпо этиш тўғрисидаги ташаббусини, шунингдек дунёнинг шу районидаги нормал вазиятни сақлаб қолишга қаратилган бошқа тинчлик ташаббусларини қўллаб-қувватлайди, деб таъкидлади Чэнь Суилу.

ҚУРИЛИШ

САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНАЙЛИК

ган корхоналарнинг иш принциплари моҳиятини раҳбарлар томонидан етарли тушунилмаганлиги оқибатида юзага келмоқда. Уларнинг фикрича, фойда ва амортизация ҳисобига пайдо бўладиган ўз фондларини ўзлари истаганларича сарфлашлари мумкин. Бунда улар халқ хўжалик плани манфаатларини, қурилишнинг давомийлиги муддатларини ҳисобга олмайдилар.

Аҳвол шунинг учун яна ҳам мушкуллашмоқдаки, юқорида айтилган қурилишлар ва объектлар янги қурилишлар ҳисобланади ва мавжуд ишлаб чиқаришларни модернизация қилишга ҳеч қандай алоқаси йўқ. Шундай экан, улар хўжалик юритишнинг янги шароитида ишлаётган корхоналар фаолиятининг тугал натижалари — фойда ҳисобига эмас, министрликнинг марказлашган маблағлари ёки жуда бўлмаганда сарфланиши лозим бўлган миллион-миллион маблағларнинг ҳаммаси эмас, бир қисмигина корхоналар фондлари ҳисобига амалга оширилиши мумкин.

«Резинатехника» заводида капитал қурилиши планида назарда тутилган фойда ҳали пайдо бўлганича йўқ, улар лойиҳадагина қайд қилинган, бунинг устига қанча бўлиши ҳам ҳали номаълум. Бу объектларнинг бунёдкорлари эса ҳозиринг ўзидаёқ ишламоқдалар ва планларни бажаришяпти, уларга ҳар ойда иш ҳақи тўлаб турилиши керак. Бу ҳақ қайси маблағлар ҳисобига тўланади.

Ҳозирги вақтда буюртмачининг бажарилган иш учун қарзи анчагина бўлиб қолди ва у муттасил кўпаяверади. Қарз вақтида тўланмаслиги оқибатида эса қурилиш ташкилотларининг молиявий аҳволи ёмонлашади.

«Ўзбекрезинатехника» ишлаб чиқариш бирлашмаси раҳбарлари (бош директори ўртоқ И. Н. Искандаров) амалий ишларда қурилишни маблағ билан таъминлашнинг ҳар қандай манбалари ҳисобига (бюджет, марказлашган маблағлар, ривожланиш фонди, банк кредити ва исталган формада олиб бориш ҳам) қурилиш давомийлигининг белгиланган нормаларига қатъий амал қилишни талаб этишини унутмасликлари керак. Бироқ қурилиш муддатларини узайтириш, қурилишнинг дастлабки даври учун кам капитал маблағлар ажратилишига эришиш имкониятларини қидирувчи раҳбарлар ҳам учраб туради. Уларни ўз вақтида пайқаш ва бундай бўлишига йўл қўймаслик лозим. Акс ҳолда халқ хўжалигига катта зарар келтирилиши мумкин.

Фан-техника тараққиётини жадаллаштириш бўйича бўлаётган ўзгаришларни, хўжалик ҳисоби ва ўзинифўзи маблағ билан тўла таъминлаш принципларини ўзбекистонлик олимлар ишлаб чиқаётган механизмларни ҳаётга тезроқ татбиқ этишга қаратилган чора-тадбирларни ҳам ҳисобга олиш керак.

Ўзинининг вақтинчалик шуҳрати учун фойдаланишга интилаётган раҳбарлар ҳам йўқ эмас. Юқоридаги корхоналарнинг раҳбарлари бунга мисол бўла олади.

КПСС XXVII съезди мавжуд ишлаб чиқаришларни техника жиҳатидан қайта ускуналаш ва реконструкция қилиш йўлини — қурилишни янада ривожлантириш усули деб белгилади. Корхоналарнинг ўзини-ўзи маблағ билан таъминлаш ва ўз ҳаражатларини ўзи қоплаш усулига ўтиши муносабати билан ишлаб чиқаришни техника жиҳатидан модернизациялашни амалга оширишнинг асосий манбаи ўз маблағи ҳисобланади. Бу эса корхоналарга фойда ҳисобига олинган маблағлардан мустақил ва анча самарали фойдаланиш имкониятини беради. Лекин бу ўз фондлари ҳисобига меҳнат унумдорлигини ошириш ҳамда энг яхши сифат кўрсаткичларига эга бўлган қўшимча маҳсулотларни ишлаб чиқаришни ҳисобга олмасдан ҳар қандай асбоб-ускуналарни сотиб олиш ва исталган ишни қилиш мумкин деган гап эмас.

Масалан, Ўзбекистон ССР Енгил саноат министрлигига қарашли қатор корхоналарнинг капитал маблағлар сарфлаш планларини таҳлил қилиш ва текшириш шуни кўрсатдики, техникавий қайта ускуналаш учун маблағлар асосан самарасиз фойдаланилмоқда, бу маблағлар ишлаб чиқариш қувватларини, меҳнат унумдорлигини анча ошириш ва ишчилар сонини камайтириш имконини бермаяпти. Бунга мисол қилиб, жумладан, Тошкент тўқимачилик комбинатини кўрсатиш мумкин. Бошқа қатор корхоналардаги каби комбинатда ҳам харажатларнинг анчагина қисми маънавий ва жисмоний эскирган асбоб-ускуналарни фан ва техника ютуқларига тўла жавоб бермайдиган янги асбоб-ускуналар билан алмаштиришга сарфламоқда.


Ўн иккинчи беш йиллик бошига келиб комбинатда асбоб-ускуналарнинг структураси қуйидагича бўлди. Уларнинг 36 процентдан ортиқроғи ўн йилдан бери, 63 проценти ўн йилгача ва фақатгина 25 проценти беш йил давомида ишламоқда. Шуниси ҳам характерлики, комбинатда асбоб-ускуналарнинг янгиланиш даражаси фақат 5,4 процентни ташкил этди ва сўнгги йилларда у янада камаймоқда.

Комбинатда маблағларнинг анчагина қисми — 21 миллион сўм ўн биринчи беш йилликда техникавий қайта ускуналашга сарфланди. Ўн иккинчи беш йилликда эса у 40 миллион сўмликни ташкил этади. Бу маблағнинг ҳаммаси асбоб-ускуналарни янгилашга сарфланади. Бироқ, меҳнат унумдорлиги бор-йўғи 0.3 процент ортади. Чунки асбоб-ускуналар харид қилиш йўли билан қўшимча фойдаланишга топширилган қувватлар сир сақланади ва улар ҳисобига маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш белгиланмайди. Албатта эскириб қолган асбоб-ускуналарни анча унумлиси билан алмаштириш ортиқча куч-ғайрат сарфламасдан эски планларни янги машиналарда бажариш имконини беради. Бироқ бундай ҳолда фонд самараси анча қисқаради, қўшимча маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича янги қувватлар фойдаланилмайди. Пойабзал фабрикаларида ҳам шундай аҳвол ҳукм сурмоқда.

Давлат томонидан ажратилаётган капитал маблағлардан самарали фойдаланиш ва хўжалик механизмининг янги шароитларида ишлаб чиқаришларни техника жиҳатидан қайта ускуналашни амалга ошириш муаммолари партия ва ҳукумат белгилаган ягона техник сиёсатга қатъий амал қилишни талаб этади. Шунинг учун ҳам бу масалалар барча инвестиция циклн ходимларининг диққат марказида турмоғи лозим. Шуни ҳисобга олиб, банк ходимлари ҳам партия ва ҳукуматнинг бутун халқ хўжалиги, айниқса, капитал қурилиш соҳасида тубдан қайта қуришни амалга ошириш бўйича қарорларини ҳаётга тадбиқ қилиш юзасидан тадбирларнинг харажатлари қопланишини муттасил таҳлил қилишни, унинг муддатлари ва манбаларини текшириб туришни давом эттирадилар.

Т. ТЎРАЕВ,
Тошкент область қурилиш банки бошқарувчиси.

• ТОШКЕНТ ЯНГИЛИКЛАРИ •



● Областимизнинг ҳамма шаҳар ва районларидаги умумий ўрта мактабларда 10-синфни битирувчилар учун имтиҳонлар қизғин давом этмоқда. Суратда: Тошкент шаҳридаги 110-ўрта мактаб ўқувчилари имтиҳон пайтида.

Е. Ботиров фотоси.

ИНГЛИЗ ТИЛИ СЕКЦИЯСИ

СССР билан Буюк Британия ўртасида тузилган ўзаро шартномада маданий ҳамкорликка ҳам алоҳида аҳамият берилди. Ана шу алоқаларга ҳисса қўшиш мақсадида чет эллар билан дўстлик ва маданий алоқалар Ўзбекистон жамияти томонидан ҳам қатор тадбирлар кўрилди.

Жамият ҳузурида инглиз тили ҳаваскорлари секциясининг тузилиши кўпчиликни мамнун қилди. Секцияга Тошкентдаги олий ўқув юртлари ўқитувчилари, студентлари, шунингдек, мактаб ўқувчилари аъзо бўлишди. Унинг ишида журналистлар, турли касб эгалари ҳам фаол иштирок этадилар.

Машғулотлар программасига мувофиқ инглиз тилига доир қизиқарли суҳбатлар ўтказиш билан бирга адабий кечалар ҳам уюштирилади. Инглиз тилида яратилган фильмларни ҳам кўрсатиш планлаштирилди.

ДАВОЛАШДА ЯНГИ УСУЛ

РЕСПУБЛИКА проктология марказининг бир гуруҳ врачлари доцент Эркин Назаров раҳбарлигида мамлакатимизда биринчи бўлиб ошқозон-ичак йўллари шамоллаши касалликларини магнит терапияси ёрдамида даволаш усулини ишлаб чиқдилар.

Янги усул даволашни муддатини беш-олти кунга қисқартиради. Энг муҳими шундаки, бу усул билан даволанганда жарроҳлик ишларига ҳожат қолмайди. Олиб борилган тажрибалар беморлар шифохонага ётмасдан амбулатория шароитида муваффақиятли даволанишларини тасдиқлади.

Беморларни магнит терапияси ёрдамида даволаш усули тажрибадан муваффақиятли ўтиб, унинг ихтирочиларига авторлик гувоҳномалари топширилди.

М. ДОКТОРОВ.

ФЕСТИВАЛЬ ДОИРАСИДА

Республикамиз пойтахтида яқинда Ҳиндистон ёшлар делегацияси меҳмон бўлди. СССР ёшлар ташкилоти комитети таклифига биноан Тошкентга келган бу йигит ва қизлар гўзал шаҳримиз ҳаёти билан яқиндан танишдилар.

Тошкентдаги 24-ўрта мактабда бўлган учрашув жуда қизиқарли ўтди. Ўша куни билим ўчоғидаги Р. Тагор номли интернационал дўстлик клуби аъзолари ўз ишлари ҳақида тўлқинланиб гапириб бердилар. Ҳинд тилида махсус тайёрланган программа завқ-шавқ билан томоша қилинди.

Ҳинд ёшлари билан СССР ва Ҳиндистонда ўтказиладиган фестиваль хусусида ҳам батафсил гаплашиб олинди. Ана шу фестиваль доирасида шу йилнинг кузида Тошкентда ёшлар программаси намойиш қилинади.

А. АЛИЕВ.

УЙ БЕКАЛАРИ— МОҲИР ЧЕВАРЛАР

Тошкент районидаги аҳолига якка тартибда кийим тикиш фабрикаси уй бекаларини касаначиликка кенг жалб этиш борасида талайгина тадбирларни амалга оширмоқда.

Шу кунларда 48 нафар хотин-қиз фабрика билан шартнома тузган ҳолда трикотаж маҳсулотларидан болалар кўйлаги, аёллар тузган блузкаси, спорт шапкалари, шунингдек, сўзана, зардевор, чойшаб ва кўрпачалар тикишяпти. Фабрика директори Б. Нўъмонов билан иқтисодчи инженер Ҳ. Исроилхўжаевларнинг таъкидлашича, фабрикада ишлаб чиқарилган маҳсулотга нисбатан уйда тайёрланган буюмнинг сифати юқори бўлиб, кам ҳаражат сарфланар экан.

ЁШ ОИЛАЛАРГА

Ёш оилалар учун янги квартираларга кўчиб ўтишдан ҳам қувончлироқ воқеа бўлмаса керак. Ҳар қалай Чирчиқ шаҳридаги Свердлов кўчасида қад ростлаган оилавий ётоқхоналарга кўчиб ўта бошлаган ёшлар қурувчилар тухфасидан бениҳоя ҳурсанд бўлишди.

Ўчта корпусда жойлашган, ҳар томонлама қулай 48 та квартира «Электрохимпром» ишлаб чиқариш бирлашмаси ёшлари ихтиёрига берилди. Бу йил ёш оилаларга яна битта ана шундай ётоқхона қуриш мўлжалланмоқда. Демак, кейинги йил яна ўнлаб ёш оила янги квартираларга кўчиб ўтади.

Э. РИЖИКОВА.

● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ●

ТРЕНЕР ВА СТАДИОН... ЖАЗОЛАНДИ

ФУТБОЛ

ОБЛАСТЬ биринчилигининг навбатдаги турида Бўканинг «Автомобилист» футболчилари «Оққўрғон» командасини қабул қилишди. Ўйин 2:2 ҳисобида дуранг бўлиб тугади. Лекин майдон эгалари қатор кўполликлар қилишди, бунинг устига аввал икки марта огоҳлантириш олган футболчини майдонга тушириб ўйин қоидасини бузишди. Табиийки, спорт техника комиссияси бу масалани кўриб чиққач ўйин натижасини бекор қилди, «Автомобилист» командасини мағлуб деб ҳисоблади.

Область чемпионатида командалар энди саккиздан ўйин ўтказишди. Лекин Бўканинг «Автомобилист» футболчилари интизомсизлиги билан «довруғ» таратди. Улар ўз майдонларида эмас, балки сафарда ҳам ўйин қоидаларини кўпол бузишди, қатор огоҳлантиришлар олишди. Айниқса, Янгийўлда бўлган учрашувда ўта интизомсизлик қилишди.

Аҳвол шу даражага бориб етдики, бўкалик футбол мухлислари стадионда бебошликлар қила бошладилар. Шу бонс команда катта тренери Ш. Сирожиддинов вазифасини уддалай олмаганлиги учун катта тренерликдан бўшатилди. Бўка стадиони эса... жазоланди. Энди «Автомобилист» футболчилари ўз стадионларида ўтказилиши лозим бўлган тўртта календарь ўйинни ўзга майдонда ўйнайдилар. Бу ҳол Бўка автокорхонаси маъмурияти, район спорти мутасаддиларини жиддий ташвишга солиши ва тезда зарур чора-тадбирлар кўришларини тақозо этади.

Область биринчилиги «А» ва «Б» группаларида навбатдаги тур ўйинлари бўлиб ўтди. «Бинокор» футболчилари «Кооператор»нн 3:0 ҳисобида мағлубиятга учратиб, 15 очко билан пешқадамлик қилишмоқда. Қибрайлик футболчилар саккизта учрашувнинг ет титасида ғалаба қозондилар, рақиблар дарвозасига 14 та тўп киритиб, ўз дарвозаларидан атиги битта тўп ўтказиб юборишди. Оққўрғон команда си 14 та очко билан иккинчи, Бекободнинг «Металлург» футболчилари 13 очко билан учинчи ўринда боришмоқда.

«Б» группасида саккиз турдан сўнг 12 та очко тўплаган Оҳангарон командаси биринчи ўринни эгаллаб турибди. Калинин районининг «Ўзгариш» ва Ғалаба районининг «Димитровчи» ҳамда Олмалиқнинг «Меҳнат» командаларида 11 тадан очко бор.

Ш. УМУРЗОҚОВ.

СТАДИОН ИШГА ТУШДИ

Калинин районидаги Оржоникидзе номли колхозда ҳашар йўли билан қурилган янги стадион ишга туширилди. Албон байроқлар билан безатилган стадионга «Ўзгариш» қишлоғи аҳолиси, спортчилар, пионер ва ўқувчилар ташриф буюрдилар. Улар қурилиш бригадири Т. Амирхонов, пайвандловчи Б. Алимуҳамедов, рассом Ф. Табитов, спорт инструктори Н. Аҳмедов, колхозчи-ёшлардан И. Аҳмадиев, Р. Акенов ва бошқаларнинг меҳнатидан мамнун бўлиб гапирдилар.

Қишлоқ спортчилари олдида колхоз бадиий ҳаваскорларидан ташкил топган «Шодлик» вокал-чолғу ансамбли ижросида концерт программаси намойиш этилди.

А. ИМОМХЎЖАЕВ.

РАНГ-БАРАНГ ОЛАМ

ҚУМДАН ҒИШТ

Катта-катта майдонларни бефойда эгаллаб ётган сахролар қумидан фойдаланиш мумкинми? Чехословакия мутахассислари мумкин, деб ҳисобламоқдалар. Улар шу қумни бинолар қуришда ишлатиш технологиясини яратдилар. Шунга мувофиқ қум асосда бетон ғиштлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйдилар. Уларнинг бу кашфиёти ҳозирги вақтда Ливияда катта муваффақият билан қўлланилмоқда.

Бу технологияни ишлаб чиқиш учун 14 йил вақт сарфланди. Қум қўшилган бетондан тайёрланган турли катта-кичикликдаги ғишт бинолар қуришда ишлатилмоқда. Қоришмага оддий бетонга нисбатан 30 процент кам цемент кетади. Қум, цемент ва сувдан (шўр сув ҳам бўлаверади) ташқари айрим арзон ва дефицит ҳамма жойда бўлган химиявий қўшимчалар ҳам керак. Қумдан ғишт ишлаб чиқарувчи линияни ҳар қандай сахрода ўрнатиш мумкин. Унга бир сменада 11 киши хизмат қилади ва шу смена давомида сал кам 4500 дона ғишт тайёрлайди. Ливияда «қум» ғиштдан қатор граждан ва саноат объектлари қурилган.

«ГУЛЛАР КЛИНИКАСИ»

Франкфурт-майнда (ГФР) «Гуллар клиникаси» очилди. Бу даргоҳда тажрибали гулшуносннинг маслаҳатини олиш мумкин. У касалланган уй гулларини даволаш йўлларини айтиб беради. Айрим ҳолларда гуллар даволаниш учун бир неча кун шу ерда қолади.

ЭКСПОРТ ҚИЛИНМОҚДА

Венгрия хорижий мамлакатларга етказиб бераётган нарсалар сони яна биттага кўпайди. Ёмғир чувалчанги экспорт қилина бошлади. Давлат хўжаликларининг бири чувалчангларни қишлоқ хўжалиги чиқиндиларида кўпайтиришни йўлга қўйди. Чиқиндилар экинларга ўғит сифатида солиш учун яхшигина компостга айланади. Чувалчанглар эса балиқ ови ишқибозлари учун ва тупроқни яхшилаш мақсадида унга солиш учун етказиб берилмоқда.

Гиёҳвандлик—саломатлик заволи

ОҚИБАТИ АЯНЧЛИ

Кейинги йилларда аҳоли орасида гиёҳвандликнинг авж олиб кетиши жамоатчилик ва жаҳон медицина ходимларини жуда ташвишга солмоқда. Бу муаммонинг гоят ўткирлиги муносабати билан бутунжаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти бир неча бор йиғилишлар ўтказди. Ана шу мажлисларда инсон организмига мутлақо зиён етказувчи ва уни ҳалокатга олиб борувчи оғу ишлаб четга чиқараётган ҳамда сотиб олаётган мамлакатлар кўрсаткичларида кескин ўсиш борлиги афсус билан тилга олинади. Наркотик моддалар Европа ва Америка қитъасидаги анчагина тараққий этган мамлакатлар учун даромад манбаига айланди. Улар бу маҳсулотларни хуфия йўл билан ишлаб чиқариб, худди шу йўл билан сотиб чўнтакларини қаппайтирмоқдалар.

Ана шу ажал уруғи бизнинг мамлакатимизда ҳам пайдо бўлиб қолганлиги ачинарлидир. Матбуотда қонунга хилоф равишда кўкнори, наша ва бошқа наркотик моддаларнинг етиштирилаётгани, сотилаётгани ҳақида ёзиладиган бўлиб қолди. Афсуски кўпгина кишилар гиёҳвандликка ружу қўйишнинг оқибатлари оғирлигини тўлиқ ҳис этмайдилар.

Гиёҳвандлик дорилари киши организми билан тезда «тил топишади». Уни истеъмол қилган одам ўзини бир муддат мамнун, хушчақчақ, тетик сезади. Дори таъсири ўтиб кетгач организм уни яна талаб қилади. Агар ўз вақтида «оғу» ичилмаса ёки танага юборилмаса ҳам руҳий, ҳам жисмоний тангликка бошланади, гиёҳванд ўта жаҳлдор ва кўзига ҳеч нарса кўринмайдиган бўлиб қолади.

Наркомания — баъзи бир моддаларга ва химиявий препаратларга қаттиқ берилиш касаллигидир. У киши онгини заҳарлайди, инсон организмида турли касалликларни келтириб чиқаради. Гиёҳвандликка берилган кишиларда бора-бора қўрқув аломатлари пайдо бўлади. Айниқса улар ҳар қадамда ўлим чангалидан қутулмоқчи бўлаверадилар. Бундайлар организм заифлашувидан, гиёҳванд моддани кўпроқ ёки нотўғри истеъмол қилиб қўйганлик оқибатида ҳалок бўлишлари ҳам мумкин.

Гиёҳвандларда ҳаётга, яшашга қизиқиш умуман сўнади, бора-бора улар наркотика билан боғлиқ бўлмаган нарсаларни бутунлай ўйлашмайдилар. Улар фикрлаш, ишлаш қобилиятларини ҳам йўқотадилар.

Гиёҳвандликни келтириб чиқарувчи хилма-хил моддалар мавжуд. Булардан энг кўп тарқалганлари қора дори ва ундан тайёрланган дорилар (омнол, пантопон), баъзи бир алколоидлар ва ясама моддалар (морфин, кодеин, дионин, героин ва бошқалардир). Шунингдек морфинсимон таъсир этувчи синтетик моддалар (промедол, фенадон), уйқу дорилар (нембутал, мединал, люминал), ҳинд нашаси ва унинг маҳсулотлари (гашиш, наша, марихуана), марказий асаб системасини қўзғатувчи моддалар (кофеин, фенамин)лар ҳам наркотик воситаларга киради. Мана шу препаратларнинг барчаси истеъмол қилингандан сўнг ўзига яна жалб қила олиш, яъни кишида шу моддага қандайдир эҳтиёж туғдириш хусусиятига эга.

Уйқу дориларини узоқ муддат бетиним истеъмол қилавериш оқибатида ҳам киши идроки сустлашиши ва хотираси заифлашиши мумкин. Шу билан биргаликда тўқималарнинг зириллаши, қаттиқ бош оғриғи, артериал қон босимининг тушиб кетиши кузатилади, гиёҳванд серзарда ва инжиқ бўлиб қолади. Ўрганган «оғу»ни истеъмол қилиш тўсатдан тўхтатиб қўйилганда эса киши мутлақо карахт бўлади-қўяди.

Гиёҳвандликнинг оғир турларидан бири наша, гашиш, марихуананинг тамаки билан бирга қўшиб чекиш — гашишизмдир. Буларнинг ҳаммаси нашадан олинади.

Наша чекувчи шахслар характерида тентакнамолик пайдо бўлади, уларга зимдан эътибор қилинса ташқи кўринишлари, ўзларини тутишларида қандайдир кулгили ҳолатни кўриш мумкин. Модда кўп истеъмол қилинганда эса гиёҳванд сира ўзини тута билмай қолади. Турли ранглар, овозларга таъсирчанлик кучаяди. Нашани сурункали истеъмол қилувчилар хаёлпараст, паришонхотир, жуда сустқаш, ланж, одамови бўлиб қоладилар.

Мана, бир мисол. Йигирма ёшли Д. Георгий гиёҳвандликка ружу қўйди. У дастлаб, институтда ўқиб юрганида нашанинг қандайлигини билиш учун бир мартагина ҳавасга чекиб кўрган. Кейинчалик бу дори уни домига тортиб кетганлигини ўзи ҳам сезмай қолган. Ҳаёти чигаллашиб, ўқишни ҳам ташлади. Бу балодан қутулишнинг ҳеч иложини тополмай нашага асир бўлди.

Гиёҳвандлар ўзларига керак наркотик моддани топиш учун доимо чора излайдилар, ҳатто қотиллик қилиб бўлса ҳам уни топадилар. Тополмаганлар эса оғир аҳволга тушадилар. Организмда жуда катта етишмовчиликлар содир бўлади: кўз косалари катталашади, юрак-қон томир уриши тезлашиб нафас қисилади, кўнгил айнаб бетиним қайт қилиш бошланади. Кўз ёшланаверади, ҳадеб терлайвериш бемор тинкасини қуритади. Булар туфайли у уйқусини ҳам йўқотади. Шу аҳволда касалхонага келтирилган беморнинг каравотда ўзини у ёқдан бу ёққа отишини, «Ёрдам беринглар», «Мен ўлаяпман!», «Мени чувалчанглар чақаяпти!», «Олиб ташланглар!», «Қутқаринглар!», «Йўқолинг!» ,«Ҳаммангиз йўқолинг!», дея қичқираверишини кўриш жуда аянчли. Бу аҳволдан уни қутқариш, ўлим чангалидан олиб қолиш эса жуда мушкул.

Ана шу аянчли аҳволга тушиб қолишларини билсалар ҳам гиёҳвандлар тубанликка ҳам юз тутадилар. Мана бир мисол. Бемор ўз «дори»сини вақтида топа олмаган. У ўз организмида бошланаётган ўзгаришларни сезиб, ваҳимага тушган ва тап тортмай билагидан вена қон томирини кесган. Нима учун у шундай қилди? Тезроқ ўлиб кўя қолиш, барча машаққатлардан қутулиш учунми? Йўқ, у чақирилган «Тез ёрдам» келган заҳоти унга оғриқни қолдирувчи укол қилишларини билган. Бу укол дори составида эса ўзи ичадиган миқдордаги наркотик модда борлигидан умидвор бўлган. Ҳаётининг ҳавф остида қолиши эса уни сира қизиқтирмаган. Америкада чиқадиган «Ридерс дайджест» журналининг ёзишича Флорида штатида яшовчи, катта лавозимлардан бирида ишловчи 45 ёшли Джон Вудлиф бир неча ой давомида наркотик моддасини истеъмол қилиб юрган. Натижада бора-бора таъқиб васвасасига учраган. Оқибатда уни дўстлари эсҳушини йўқотган ҳолда кўчада учратиб қолишади. Бир неча соатдан кейин у юрак ҳуружи тутиб оламдан ўтади.

Майамилик Майкл Сеймурнинг ҳам қисмати шунга ўхшаш. Унинг назарида ҳам доимо кимдир таъқиб қилаётгандек туюлаверган. Кунларнинг бирида у қуролланиб магазинга кирган ва дуч келган одамни отмоқчи бўлган. Катта қийинчилик билан уни қўлга олишга эришиб, госпиталга ётқизишган. Шунда врачлар унинг ҳарорати 40 даражка эканлигини, томири эса минутига 200 лигини аниқлаганлар. Унинг ҳам ҳаётини сақлашнинг иложи бўлмаган.

Шарқий Гарлемда яшовчи 16 ёшли Виктор Энонте эса бу зарарли одатидан қутқармоқчи бўлгани учун ўз онасини ўлдирган.

Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Миллионлаб америкаликлар ҳозирда бу дардга мубтало бўлганлар. «Ридерс дайджест»нинг қайд қилишича улар кокаин сотиб олишга йилига 50 миллиард доллар сарфлар эканлар. 22 миллиондан ортиқ киши уни истеъмол қилиб юраркан. 6 миллион киши ўз қон томирига бу заҳарни юбориш билан шуғулланаркан.

Гиёҳвандликнинг аянчли оқибатларга олиб келиши, ўсмирлар орасида унга ихлос кучайиб бораётганлиги медицина ходимлари ҳамда тегишли маъмурий органлар олдига бу жирканч иллатга қарши кескин курашишдек ғоят муҳим вазифани қўймоқда. Ана шуни ҳисобга олиб ҳаётимизни ҳар томонлама соғломлаштириш билан жиддийроқ шуғулланишимиз зарур.

Н. НАБИЕВА,
Тошкент фармацевтика институти ўқитувчиси, биология фанлари кандидати.

Редактор ўринбосари Р. УМАРОВ.

ТВ

4 ИЮНЬ — ПАЙШАНБА

МТ I

8.00 Эрталабки зарядка. Мультфильм. Музика. 8.30 ВРЕМЯ. 9.15 А. С. Пушкин. «Белкин қиссалари». «Отишма». Телевизион спектакль. 10.25 «Ҳар доим бўлсин қуёш!» 11.10 «Улуғ оилада мени ҳам...». Телевизион ҳужжатли фильм 11.35 Янгиликлар.

* * *

16.35 ҚАЙТА ҚУРИШ: ТАЖРИБА ВА МУАММОЛАР. Ҳужжатли фильмлар. 17.10 «Бенин Халқ республикаси». Киноочерк. 17.35 ...16 ЁШГАЧА ВА УНДАН КАТТАЛАР. 18.20 Фалсафий суҳбатлар. 19.05 ДУНЁ ВОҚЕАЛАРИ. 19.20 Баскетбол. Европа чемпионати. 20.00 Футбол Европа чемпионатининг саралаш матчи. Норвегия — СССР терма командалари. Норвегиядан кўрсатилади. 21.30 ВРЕМЯ. 22.05 Останкино концерт студиясида В. Г. Короленко номли Полтава Давлат Педагогика институти ректори И. А. Зязюн билан учрашув. 23.35 ДУНЁ ВОҚЕАЛАРИ. 23.45 Баскетбол. Европа чемпионати. Эркаклар. СССР — Франция терма командалари.

МТ II

9.00 Эрталабки гимнастика. 9.20 «Ҳар бир нотачада осмон акс этади». Фрунзе шаҳридан кўрсатилади. 9.45 «Қора товуқ». Мультфильм. 10.05 «Спорт майдони». Ҳужжатли фильмлар: «Президентнинг эса фикри бошқача» (Литва киностудияси), «Мутахассис эмас» (Ростов кинохроника студияси). 10.30 ИНСОН. ЕР. КОИНОТ. 11.00 Чет эл фильмлари экрани. «Драва узра шуъла». 2-серия. 12.05 Испан тили. 1-йил шуғулланаётганлар учун. 12.35 «Севги изҳори». Бадиий фильм субтитр билан («Ленфильм») 1- ва 2-серия-лар. 14.40 «ЯН ПРОМИНСКИЙ». Илмий-оммабоп фильм премьераси («ЛНФ» ва Лодзь илмий-оммабоп фильмлар студияси). 15.15 Янгиликлар. 18.30 Янгиликлар. 18.45 «ДОКТОР ГЕЛИОС». Телевизион ҳужжатли фильм премьераси (Тошкент). 19.00 Ритмик гимнастика. 19.30 9-СТУДИЯ. Кўрсатувни сиёсий шарҳловчи В. Зорин олиб боради. 20.30 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар!» 20.45 «Усталар билан учрашув». Телевизион ҳужжатли фильм (Ереван). 20.55 КАМАЛАК. Халқ ижодиёти телепрограммалари халқаро фестивали «Одов» (Болгария). 21.30 ВРЕМЯ. 22.05 «Дружба» велопойгаси. Финляндиядан кўрсатилади. 22.20 «Евдокия». Бадиий фильм.

ЎзТВ

7.05 Ритмик гимнастика. 7.30 «Салом, кичкинтойлар!». 7.40 «Ўжар одам». Ҳужжатли фильм. 8.00 АХБОРОТ. 8.20 «Музикали дасхат». 8.30 Болалар учун фильм. «Икки кучукчанинг саргузаштлари». 10, 11, 12, 13-сериялар 17.30 Янгиликлар. 17.40 «Абитуриент-87». Физика. 18.10 Кўрсатувлар программаси. 18.15 «Қувноқ эртаклар мамлакатида» Мультфильм. 18.25 «Мактаб ислоҳоти — ҳаётга!». 18.55 КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ ПЛЕНУМИ ОЛДИДАН. 19.30 АХБОРОТ (рус.). 19.45 Э. Охунова, Р. Муродов. «Кўнгил мулки» Музикали кўрсатув. 20.30 АХБОРОТ. 20.50 Ўзбек куйларидан концерт. 21.30 Москва. ВРЕМЯ. 22.05 ИНСОН ВА ҚОНУН. 23.00 О. Ёқубов. «Диёнат». Видеофильм. 3-серия. 00.05 Кўрсатувлар программаси.

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН ПРОГРАММА

19.30 «Она-ернинг яшил маскани». Фильм-концерт. 20.15 Реклама. 20.25 «Китоб дўстлари» (рус.). 21.00 «Бугунги Тошкент». «Она шаҳрим Тошкентим» туркумидан. 21.30 Москва. ВРЕМЯ.

ДУШАНБА КЎРСАТАДИ:

22.05 УЛУҒ ОКТЯБРНИНГ 70 ИЙЛЛИГИГА. «Ҳаммасига эга бўлади». Телевизион бадиий фильм. 1-серия (рус.).

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА

СССРГА ГАСТРОЛГА КЕЛГАН

Польшанинг «Варшава» цирки

ТОШКЕНТДА БИРИНЧИ МАРТА ЎЗ ТОМОШАЛАРИНИ НАМОЙИШ ЭТАДИ.
11 ИЮНДАН 5 ИЮЛГАЧА ДАВОМ ЭТАДИГАН ТОМОШАЛАРДА
ПОЛЬШАНИНГ ТАНИҚЛИ ЦИРК УСТАЛАРИ ҚАТНАШАДИЛАР.

ПРОГРАММАДА: ўргатилган йиртқич ҳайвонлар (шерлар, қоплонлар, силовсин, сиртлон), **шунингдек, ноёб ҳайвонлар аралаш группасининг чиқишлари.**



Жонглерлар, эквилибристлар ва ҳаво гимнастикачилари, акробат-полвонлар, сим дорда рақс тушувчилар, бошқа ҳар хил акробатлар ўз маҳоратларини намойиш этадилар.

ПРОГРАММАГА ПОЛЬША ЦИРКИ ЭСТРАДА ОРКЕСТРИ ЖЎР БЎЛАДИ.

Томошалар ҳар куни — соат 18 да ва 20.30 да бошланади.
Шанба ва якшанба кунлари — соат 12, 15 ва 18.00 да бошланади.
Билетлар циркнинг марказий кассаси ва ГУМ, «БОЛАЛАР ДУНЁСИ», «ЧИЛОНЗОР» савдо маркази, ФРУНЗЕ савдо маркази қошидаги, шунингдек ОЛОЙ ва ФАРҲОД бозорларидаги район кассаларида сотилмоқда.
Коллектив бўлиб тушиш учун буюртмалар қабул қилинмоқда.
Касса — соат 10 дан 20.00 гача очиқ.
Справкалар учун телефонлар: 44-35-91, 44-35-84.

«Ўзбекконцерт»
В. И. ЛЕНИН НОМИДАГИ СССР ХАЛҚЛАРИ ДЎСТЛИГИ САРОЙИДА
8, 9, 10 ИЮНЬ СОАТ 19.30 ДА
ТАНИҚЛИ ТУРК ҚЎШИҚЧИСИ


Мюзереф АКАЙнинг концерти

ЧОЛҒУ АСБОБЛАРИ АНСАМБЛИ ЖЎР БЎЛАДИ.
Билетлар СССР Халқлари дўстлиги саройи кассаларида соат 14.00 дан сотилади.

Кондиционер-жоннинг роҳати

«БК-1500» МАРКАЛИ КОНДИЦИОНЕР 25 кв. МЕТРГАЧА, «БК-2000»—30 кв. МЕТРГАЧА, «БК-2500»—35 кв. МЕТРГАЧА МАЙДОНГА ЭГА БЎЛГАН КВАРТИРАДА.
МЎЪТАДИЛ ҲАРОРАТ БЎЛИШИНИ ТАЪМИНЛАЙДИ

САВДО ТАШКИЛОТЛАРИНИНГ РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!



«УЗХОЗТОРГ»НИНГ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЛАРАРО БАЗАСИДА ЮҚОРИДА АЙТИБ ЎТИЛГАН МАРКАДАГИ КОНДИЦИОНЕРЛАР ЕТАРЛИ МИҚДОРДА БОР.

«УЗХОЗТОРГ»НИНГ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЛАРАРО БАЗАСИ.

«СОЮЗТОРГРЕКЛАМА» БУТУНИТТИФОҚ БИРЛАШМАСИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕКЛАМА АГЕНТЛИГИ.

Ўзбекистон ССР Монтаж ва махсус қурилиш ишлари министрлиги
«УЗЭЛЕКТРОМОНТАЖ» трестининг

ИШГА ТУШИРИШ-СОЗЛАШ БОШҚАРМАСИ

Кооперативлар, боғ-полизчилик ширкатлари ва хусусий меҳнат фаолияти билан шуғулланувчи кишилардан

электр подстанциялари, электр тармоқларини ишга тушириш-созлаш; кабель линиялари, ҳамма турдаги асбобускуналарнинг электр қисми ва автоматларидаги носозликларни қидириб топиш; изоляцияланган симлар, асбоблар ва ерга туташтириш қурилмаларини профилактик синовдан ўтказиш сингари ишларни бажариб бериш учун

БУЮРТМАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Бажарилган ҳамма турдаги ишлар учун электр таъминоти ва фабрика-завод инспекцияси вакилларига объектни топшириш учун ҳужжатлар берилади.

Юқоридаги ишлар Тошкент шаҳрида, Тошкент областида ва республиканинг бошқа ҳамма область марказларида (Навоий шаҳридан ташқари) **амалга оширилади.**

Мурожаат учун адрес: 700059, Тошкент шаҳри, Шота Руставели кўчаси, 91-уй. Телефонлар: 53-69-55, 53-51-32, 53-51-10.

Область марказларида «УЗЭЛЕКТРОМОНТАЖ» трестининг ИШГА ТУШИРИШ-СОЗЛАШ УЧАСТКАЛАРИГА мурожаат қилиш лозим.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
(«Ташкентская правда»)
Орган Ташкентского обкома Коммунистической партии Узбекистана и областного Совета народных депутатов

Издается на узбекском языке

Редакция адреси:
700083, ГСП, Тошкент
Ленинград кўчаси, 32